

2002 ЙИЛ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Kuch – bilim va tafakkurda



Ma'rifat

МАЪРИФАТ * ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ * مەرىفەت

1931 йилдан чиқа бошлаган 2001 йил 29 декабрь, шанба Баҳоси сотувда эркин нархда № 103—104 (7403)

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

27 декабрь куни Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов икки кунлик расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Дўрмон қароргоҳида Тожикистон Президентини расмий кутиб олиш маросими бўлди. Фахрий қоровул саф тортиб, икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради.

Қароргоҳида Ўзбекистон ва Тожикистон Президентларининг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбат чоғида икки мамлакат ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда халқаро ва минтақавий муаммолар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Тарихи, дини, урф-одатлари, миллий қадриятлари муштарак бўлган икки қардош халқнинг мамлакатларимиз истиқлолга эришганидан кейин қардошлик ришталари янада мустаҳкамланмоқда. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Тожикистонга буюрган ташрифлари ва ўз навбатида Тожикистон Президентининг юртимизда бир неча бор меҳмон бўлгани, қолаверса, 2000 йилнинг июн ойида икки мамлакат ўртасида имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома бунинг далилидир. Имомали Раҳмоновнинг юртимизга бу галги ташрифи ҳам яқин кўшничлик, дўстлик ва турли жабҳалардаги шерикчилигимиз янада мустаҳкамланишида муҳим аҳамият касб этади.

Президентларнинг дўстона мулоқоти чоғида асосий эътибор давлатларимиз ўртасидаги алоқаларни ўзаро манфаатли асосда ҳар томонлама ривож топтириш, хусусан, савдо, иқтисодиёт борасидаги, давлат чегараларини делимитация қилиш, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика, фан, маданият, таълим, ахборот соҳаларида ҳамкорликни янада кенгайтириш масалаларига қаратилди. Шунингдек, Афғонистонда кечаётган ўзгаришлар, минтақавий хавфсизлик, халқаро терроризм билан боғлиқ масалалар батафсил муҳокама қилинди. Таъкидландики, давлатларимиз хавфсизлиги, чегаралар дахлсизлигини таъминлашда икки томон ҳам фаол бўлмоғи керак ва бу борада ўзаро ҳамда БМТ, ЕХХТ каби халқаро ташкилотлар доирасида кўп томонлама самарали ҳамкорлик айна пайтда муҳим вазифа саналади.

(Давоми 2-бетда)



МАРКАЗИЙ ОСИЁ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан уюштирилган Тошкент саммити 28 декабрь куни эрталаб икки томонлама учрашувлардан бошланди.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов, Қирғизистон Президенти Аскар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ва Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоновнинг ўзаро мулоқотларида икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга оид ҳамда томонларни қизиқтирган кўпгина бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Расмий делегацияларнинг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида эса кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақада барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президент Ислон Каримов мазкур саммит янги йил арафасида ўтаётгани муносабати билан барча иштирокчиларни, улар орқали кўшни давлатлар халқларини байрам билан қизгин табриклади ва ўзининг энг эзгу тилаklarини билдирди.

Мамлакатимиз раҳбари Марказий Осиё давлатлари истиқлолга эришганига ўн йил тўлганини, ўта масъулиятли бу давр улкан тарихий аҳамият касб этишини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, ўтган ўн йил ичида амалга оширилган хайр-ли ишлар туфайлигина бугунги кунда минтақамиз давлатлари халқаро сиёсий ва иқтисодий муносабатлар тизимининг фаол иштирокчиларига айланди. Мамлакат-

ларимизда янги жамиятнинг пойдеворига асос солинди. Президентларнинг шахсий дўстона муносабатлари, оқилона сиёсати, халқларимизнинг яқинлиги боис турли низоларнинг олди олинди, яхши кўшничлик аъёналари янада ривожланмоқда. Фараз ниятли кучларнинг минтақа мамлакатлари муносабатларига совуқлик солишга уришиб уюштирган фитналари пучга чиқди. Саммит иштирокчилари таъкидлаганидек, ўтган ўн йил ичида жиддий келишмовчилик юз беришига йўл қўйилмади. Бу билан фахрланса арзийди.

(Давоми 2-бетда)

ЙИГИЛИШ

Адлия вазирлигида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ислохотлар ва инвестициялар бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаши қонунчилик ва ҳуқуқий-норматив базани такомиллаштириш комиссиясининг жорий йилдаги фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

ХОТИРА

Ўзбекистон Республикаси

СЎНГИ УЧ КУН МУҲДАЛАРИ

Чоршанба
Пайшанба
Жума

“Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси бўлими тузилди ва у шаҳар ҳамда туманларда “Шаҳидлар ёдгорлиги”ни барпо этиш,

қурбон бўлганлар ҳаётини ўрганиш, асл тарихни тиклаш ҳамда ёзма ҳужжатлар тайёрлаш билан шуғулланади.

АНЖУМАН

Миллий матбуот марказида Қорақалпоғистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Экосан” халқаро жамғармаси ва “Шифокор” газетаси ҳамкорлигида “Орол: Экология, Тиббиёт ва Матбуот” мавзuida анжуман ўтказилди.

Тестдан сўнг апелляция ўтказиш керакми?

3-бет

Ҳаёт — ибрат манбаи

5-бет

Байрам мушоираси

11-бет

«Янги йил айёми» чайнворди

13-бет

(Давоми. Боши 1-бетда)

Президентимиз Исло Каримов Тожикистон раҳбарини юртимизга ташрифи билан қутлар экан, бу ташриф ўзаро муносабатларимизни янги босқичга олиб чиқадиган муҳим воқеа эканини таъкидлади. Имомали Раҳмонов янги йил арафасида Тошкентда меҳмон бўлиб турганидан мамнуният изҳор этиб, Тожикистон делегациясини юксак даражада кутиб олгани учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Кенгайтирилган тартибдаги музокараларда икки мамлакат

бошланган. Афғонистонда ҳам халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатлари билан аста-секин тинчлик ўрнатилиб, янги ҳаёт қарор топмоқда. Шундай экан, энди Ўзбекистон ва Тожикистон учун барча имкониятларни ишга солиб, ўзаро тенг манфаатли ҳамкорликни жадал ривожлантириш аини долзарб ва муҳим вазифадир.

Шу боис Дўрмонда ўтган музокараларда Президентларнинг икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузиш, яқин вақт ичида

ҚАРДОШЛИК РИШТАЛАРИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

расмий делегациялари савдо-иқтисодий ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалаларни муҳокама қилди.

Албатта, ҳозирги кунда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар имкониятлар даражасида эмас. Жорий йилнинг дастлабки тўққиз ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми атиги 80 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бироқ, бир томондан бу ҳолни минтақада юзага келган сиёсий вазиятдан келиб чиққан ҳолда баҳоламоқ керак. Айтиш жоизки, қўшни

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти қабул қилинди. Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда музокаралар натижалари, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари хусусида гап борди.

нинг биринчи мажлисини ўтказиш тўғрисидаги қарори аини муддао бўлди. Шунингдек, транспорт коммуникацияси, хусусан, автомобил, темир йўл, ҳаво алоқаларини кенг йўлга қўйиш, сув ҳавзалари, сув-энергетика заҳиралари ва сув хўжалиги қурилмаларидан биргаликда оқилона фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон томонининг таклифига биноан, икки мамлакатда телевидение дастурларининг ўзаро намоишини йўлга қўйиш ҳақида ҳам келишиб олинди.

Музокаралар якунида Президентларнинг Қўшма баёноти қабул қилинди.

Шундан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда музокаралар натижалари, икки томонлама алоқалар, минтақавий хавфсизлик масалалари хусусида гап борди.

ЎЗА

МАРКАЗИЙ ОСИЁ: КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Минтақамиз мамлакатлари раҳбарларининг учрашувлари ҳам ўзига хос анъанага айланган. Президентлар ўтган йилнинг апрелида Тошкентда йиғилиб, талай масалаларни ҳал қилган, террор, экстремизм, наркобизнес, қурол-ярғоқ контрабандаси, уюшган жиноятчилик ва минтақага таҳдид солувчи бошқа муаммоларга қарши кураш ҳақидаги шартномага имзо чеккан эди. Ўша учрашувнинг самарасини бугун яққол кўрмоқдамиз. Масалан, Ўзбекистон ва Қозоғистон президентларининг яқинда имзоланган қўшма баёнотида таъкидланганидек, мамлакатларимиз ўртасидаги чегара делимитация қилинди. Чегара баҳонаси билан ўртамизга нифоқ солишга уринган кучлар тилини тишлаб қолди.

Бу галги саммит шуниси билан аввалгиларидан фарқ қиладики, у дунёда туб ўзгаришлар рўй бераётган пайтда ўтди. Бугунги шарт-шароит ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришни тақозо этмоқда. Шу муносабат билан Исло Каримов Марказий Осиё иқтисодий ҳамжамиятини "Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти"га айлантириш таклифини ўртага ташлади. Янги ташкилот олдида фақат иқтисодий масалалар билан чекланмай, минтақа мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни ҳар жабҳада кенгайтириш вазифаси қўйилди. Лекин аини пайтда унинг ҳеч қандай ҳарбий мақсадга хизмат қилмаслигини эътибордан соқит этмаслик керак. Саммит қатнашчилари давлатимиз раҳбарининг таклифини бир овоздан маъқуллади.

Исло Каримов ўзаро иқтисодий ҳамкорлик янада равнақ топиши учун янги имкониятлар яратиш мақсадида Тошкентда Марказий Осиё ишбилармонларининг анжуманини ўтказишни таклиф қилди. Таъкидланганидек, минтақа мамлакатлари ўртасидаги товар

айирбошлаш ҳажми имконият ва салоҳият даражасида эмас. Айниқса, қўшни ўлкаларнинг хусусийлаштириш жараёнидаги иштироки жуда суст. Тошкентда ўтказилажак бизнес-форум бу борада катта бурилиш ясаши тайин. Президентлар иқтисодий ҳамкорлик соҳасида аввало қўшни юртлардан келадиган ишбилармонларга алоҳида имтиёзлар бериш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга келишиб олди.

Музокараларда маданияти ва санъати бир-бирига муштарак халқларнинг бу соҳадаги алоқалари қониқарсиз даражада эканлиги қайд этилди. Ҳақиқатан ҳам, сўнгги вақтларда ўзаро бирор фестивал, декада ё шу каби бирор катта маданий тадбир ўтганини эслай олмаемиз. Нурсултон Назарбоев келаси йилнинг бошида Қозоғистонда Ўзбекистон маданияти декадасини ўтказиш таклифини билдирди.

Ўзбекистон томони ишлаб-чиқариш кооперацияси, хўжалиқлараро бевосита шериклик, транспорт коммуникацияси, сув-энергетика захираларидан фойдаланиш, атроф муҳит муҳофазаси, табиий офатларнинг олдини олишга оид масалалар бўйича ҳам бир неча таклифларни ўртага ташлади. Бу таклифлар меҳмонлар томонидан маъқулланди.

Айни пайтда дунёнинг кўпгина минтақаларида иқтисодий интеграция жараёнларини кузатиш мумкин. Бу тараққиётга эришиш йўлларида бири ҳисобланади. Иккинчи томондан эса, шу орқали глобаллашувга тайёргарлик кўрилади, дунё иқтисодий ҳаётида юз бериши мумкин бўлган турли инқирозларга шай турилади. Марказий Осиёдек ўз-ўзини озик-овқат, хом-ашё билан тўлиқ таъминлай оладиган минтақалар жуда кам. Биз ана шу салоҳиятни тўлиқ ишга солиб, баҳамжihat тараққий этмоғимиз лозим.

Меҳмонлар ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш ва ахборот соҳасида ҳамкорликни кенгайтириш ташаббусини илгари сурди. Таъкидланди-

ки, Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида телевидение дастурларини ўзаро намоиш этиш тўғрисидаги кунги кеча эришилган келишув Қирғизистон ва Қозоғистонни ҳам қамраб олса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Шу билан бирга, сувдан фойдаланувчилар ва транспорт соҳасида иш юритувчиларнинг уюшмаларини тузиш борасида таклиф билдирилди.

Музокараларда томонларнинг Афғонистондаги воқеаларга муносабати бир хил эканлиги таъкидланди. Президентлар минтақамиз мамлакатлари Афғонистоннинг Ҳамид Карзай бошчилигидаги муваққат ҳукуматини қўллаб-қувватлашини ва мамлакатда тўла тинчлик ва барқарорлик ўрнатишда, урушдан кейинги тикланиш даврида ундан ёрдами аямаслигини билдирди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси давлат раҳбарларининг Тошкент баёноти имзоланди.

Шу ернинг ўзида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Унда президентлар музокаралар натижалари ҳақида сўзлади ва минтақа мамлакатлари халқларини кириб келаётган янги йил байрами билан яна бир бор муборакбод этиб, эзгу тилаклар билдирди.

Шу билан Марказий Осиё мамлакатлари раҳбарларининг саммити якунланди. Учрашувлар ниҳоясига етганидан сўнг саммит қатнашчилари пойтахтимиздаги Шаҳидлар хотираси хиёбонида бориб, Ватан озодлиги йўлида қурбон бўлган юртдошларимизнинг рамзий қабрига гул қўйди. Юнусобод даҳасидаги Ёпиқ сув ҳавзаси ҳамда Бизнес-марказни томоша қилди.

Куннинг иккинчи ярмида меҳмонлар Тошкентдан жўнаб кетди.

ЎЗА



Илк бор мактабга борган ҳар бир ўқувчи даставвал алифбедан сабоқ олади. Ана шу алифбе орқали саводини чиқариб дунёни таний бошлайди. Саводи энди чиқётган бола учун "Алифбе" китоби дунёдаги энг гўзал китоб бўлиб туюлади. Алифбе байрами эса 1-синф ўқувчилари интизорлик билан кутадиган байрамдир.

Кунги кеча Юнусобод туманидаги 70-мактабда ҳам худди шундай қувончли

ҚЎШАЛОҚ БАЙРАМ



байрам бўлиб ўтди. 1«б»-синф томонидан ўтказилган ушбу алифбе байрами "Қарияларни қадрлаш йили"га ҳамоҳанг тарзда ўтганлиги билан ҳам эътиборлидир. "Алифбе" байрамининг намунаси ва кўтаринки рўҳда ўтганлиги болажонларнинг юзидаги қувонч ва ҳаяжондан ҳам кўриниб турди.

Барча 1-синф ўқувчиларига "Алифбе" байраминигиз қутлуғ бўлсин деб қоламиз

ПЛЕНУМ БЎЛИБ ЎТДИ

Туғатган йилнинг ҳукумати-миз томонидан «Оналар ва болалар йили» дея эълон қилиниши, бу борада одатдагидан ташқари қатор ишлар амалга оширилишига сабабчи бўлди. Дарҳақиқат, миллат асоси ва келажак ҳисобланмиш она ва бола саломатлиги йулида ҳар бир соҳа ва тармоқда керакли ишлар бажарилди. Жумладан, кеча бўлиб ўтган Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари қасаба уюшмаси Марказий қўмитасининг IV Пленумида ҳам жорий йилда қилинган ишлар сарҳисоб этилди. Пленумни кириш сузи билан очган Марказий қўмита раиси Зоир Қодиров республикада оналар ва болаларнинг меҳнат, уқиш, дам олиш ҳуқуқларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш ҳамда жойларда меҳнат муҳофазасини амалга оширишда таълим ва фан ходимлари қасаба уюшма қўмиталарининг тутган урни, бажарилган ва бажарилажак ишлари хусуси-

да алоҳида тухталди.

Рақамларга мурожаат этсак, 2001 йилда тармоқ томонидан 13700 нафар оналарга моддий ёрдам берилди. 24853 та куп болали оилаларга 9 304 560 сум, ногирон фарзандлари бор 6000 дан зиёд оилаларга эса 3590320 сумлик маблағ берилди. Булар бажарилган вазифаларнинг бир қисми, холос. Шунингдек, пленумда қўмита олдида турган масалалар ва ечим топилмаётган муаммолар ҳам атрофлича муҳокама этилди. Галдаги вазифа эса, «Қарияларни қадрлаш» йилида қарияларни ижтимоий ҳимоялаш, қадрлаш, дам олиши ва соғлиқларини мустаҳкамлашлари учун шароитлар яратиш, уларга моддий ва маънавий ёрдамлар курсатиб боришдан иборат эканлиги эътироф этилди.

Камолиддин
АЛИОХУНОВ,
"Маърифат" муҳбири

Ўзбекистон мустақиллиги туфайли таълим тизимига тест синовлари ўтказиш тажрибаси кириб келди. Дастлабки вақтларда содда, оз миқдорда тузилган тестларни ҳам абитуриентларга тушунтириш жуда қийин кечган бўлса, бугунги кунда уларнинг кўпчилиги кўпвариантли тест топшириқларини ҳам бемалол ҳал этмоқдалар.

Ҳатто бошланғич синф ўқувчилари ҳам тест топшириқларини бажаришда ўз зукколикларини намоян этмоқдалар. Матбуот, радио ва телевидение орқали эълон қилинаётган тестларни барча қизиқиш билан ечишга интиломда.

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ҳаётида олий ўқув юртлари талабалар қабул қилишда ўтказиладиган тест синовларига эса қизиқиш жуда кучлидир. Ҳозир деярли Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси тест жараёни ҳақида маълум бир тасаввурга эга. Тест ҳақидаги маълумотлар ДТМ вакилларининг матбуотда чоп этилган мақолалари, бевосита тушунтиришлари, шунингдек, олий ўқув юртига имтиҳон топширган абитуриентлар орқали уларнинг ота-оналари, ака-укалари, тенгқурлари ва бошқаларга бориб етади. Бугунги кунда Ўзбекистонда яшаётган ҳар бир одам ёши, касби, билими, маданий даражасидан қатъи назар, тест ҳақида маълум бир фикрни баён эта олади.

Республика аҳолисининг кўпчилиги ўқишга қабул қилишда тест усулининг жорий этилишидан хурсанд. Чунки оиласидаги ҳамма фарзандлари тест синовлари асосида ўқишга қабул қилинган оилалар ҳам анчагина. 2001 йил тест натижаларининг таҳлили шун кўрсатадики, бу йил олий ўқув юртига ўқишга қабул қилинганларнинг 61,0% ини қишлоқ меҳнаткашлари ва ишчиларнинг болалари, 24,4% ини зиёлиларнинг, 2,9% ини тадбиркорларнинг ва 11,6% ини бошқа қатламга мансуб оилаларнинг болалари ташкил этган. Давлат тест марказига оддий меҳнаткашлар вакилларидан кўплаб миннатдорчилик хатлари келиб турибди. Тест синовларига тайёрланиш унчалик мураккаб жараён эмас. Агар ёшларимиз ўрта мактабларда, лицей ва гимназияларда чидам ва сабот билан билим олиб, фан асосларини пухта эгаллаган, тест технологиясини ўрганган бўлсалар, ўз танлаган соҳаларига оид ўқув фанлари бўйича қўшимча тайёрланишлари зарур бўлади, холос. Масалан, ҳозир ёшларни жуда қизиқтираётган юридик йўналиш бўйича ўқишга кириш учун она тили ва адабиёти, чет тили ва тарих бўйича пухта тайёрланиш зарур. Иқтисодиёт йўналиши бўйича ўқишга кириш учун эса она тили ва адабиёти, чет тили ва математикадан пухта тайёрланиш зарур бўлади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мактабдаги ўқиш давомида зарур билимларни пухта ўзлаштирмаган ўқувчиларнинг тест синовларига тайёрланиши жуда қийинчилик билан кечади. Бундай ўқувчилар мактаб ўқув дастурида белгиланган билимларни ўз вақтида пухта ўзлаштирмаганлиги сабабли, кейинчалик уларнинг мустақил ўрганиши қийналишади ва осонроқ йўлни қидиришади. Улар кўпинча «Ахборотнома»даги тест топшириқларининг жавобларини топиш ва уларни ёдлаш билан банд бўладилар.

Лекин шун қайд этиш керакки, ҳар йили «Ахборотнома», «Вестник» каби журналларда ҳар бир ўқув фани бўйича эълон қилинаётган кўплаб тест топшириқлари абитуриентларга тест синовлари чоғида айнан тақдим этилмайди. Улар маълум даражада таҳрир қилинади, ўзгартирилади, тенг кучлилари билан алмаштирилади. Ҳатто вариантларга эълон қилинмаган тест

лари юқори бўлиши ҳаммага ҳам тушунарли.

Бу йилги тест натижалари таҳлилдан шу нарса кўринадики, 0,1 ёки 0,2 балл фарқ билан ўқишга кира олмаган абитуриентлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг грант ва шартнома бўйича умумий сони 1045 нафарни ташкил этган. Бу абитуриентларнинг кўпчилиги реал ҳолатни тушунган ҳолда Давлат тест марказига ҳеч қандай хат ёки шикоят билан мурожаат этмаган.

Бироқ Давлат тест марказига ҳар йили 800 дан 1200 гача абитуриент тест синовларида эришган натижаларини кўриш учун, ариза билан мурожаат этади. Тест марказида улар махсус апелляция комиссияси томонидан қабул қилиниб, тегишли маълумотлар берилди. Масалан, 2001 йилда 1200 абитуриентдан ариза тушган. Бу рақам ўқиш истагини билдирган 277 минг абитуриент сонига таққосланса, 0,4% ни ташкил этади. Бево-

DTM tahlili

Айрим абитуриентлар маълум саволлар бўйича берилган тушунтириш ва изоҳларни тушунишни истамай, ўзлари топган жавоблар тўғри деб туриб оладилар. Бундай абитуриентлар билан ишлаш жуда қийин бўлади. Уларга ота-онаси, ҳатто ўқитувчилари иштирокида тушунтириш ва изоҳ беришга тўғри келади. Айрим абитуриентлар қайсарлик билан «Мен фалон рақамли савол жавобидан норозиман» деб ёзиб қолдиришади. Бундай абитуриентларга ҳам ёзма равишда тушунтириш ва изоҳ беришга тўғри келади.

Абитуриентлар шун қатъий тушуниб олишлари керакки, апелляция қайта имтиҳон олиш эмас. Тест ўтказиш низомида Ўзбекистон Республикасининг барча олий ўқув юртларида тест бир кунда ўтказилиши кўрсатилган. Давлат тест маркази апелляция давомида абитуриентга реал олган балларини кўрсатади ва айрим саволларга изоҳ беради, холос.

Давлат тест марказига тест синовлари вақтида жавоб варағининг рақамини тўғри ёзиб олмаган ёки умуман ёзиб олмаган абитуриентлар ҳам мурожаат этадилар. Аслида бу масала олий ўқув юртида қабул комиссияси томонидан ҳал этилиши керак. Чунки абитуриент тест синовлари тугагандан сўнг 2-шаклда кўрсатилган рўйхатдаги ўз фамилия-

си қаршисига тест материални қачон топширганлигини кўрсатиб, жавоб варағининг рақамини ёзади ва имзо чекади. Қабул комиссияси шу рўйхат асосида абитуриентнинг жавоб варағи рақамини билиб беради. Зарурият бўлганда, қабул комиссиясининг масъул котиби ДТМга хат билан мурожаат этиб, тегишли маълумотни олиши мумкин. Лекин кўпинча қабул комиссияси ходимлари абитуриентларнинг сарсон бўлишига, Тест марказида маълум қийинчиликлар, англашилмовчиликлар келтириб чиқаришга сабаб бўладилар.

Кўриниб турибдики, тест технологияси чуқур ўрганилса, синовга пухта тайёрланилса, уни ўтказиш Низоми талабларига риоя этилган ҳолда амалга оширилса, абитуриентларда ўз имкониятларини танқидий нуқтаи назардан тўғри баҳолаш фикри шаклланса, юқоридагидек кўпгина тушунмовчиликлар ва шикоятларга ўрин қолмас эди.

Алишер ИШМАТОВ,
Давлат тест маркази директори
муовини
Анвар ШОЖАЛИЛОВ,
бош мутахассис

ТЕСТДАН СЎНГ АПЕЛЛЯЦИЯ ЎТКАЗИШ КЕРАКМИ?

ЁХУД УНИНГ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ХУСУСИДА

топшириқлари ҳам қўшилади. Демак, тест синовларига пухта, қўшимча материаллардан фойдаланган ҳолда тайёргарлик кўрган абитуриентгина ўз мақсадига етиши мумкин.

Умуман бўш тайёргарликка эга бўла туриб, тест синовларига таваккал қилиб келган абитуриентлар ҳам бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, бундай абитуриентлар тестда муваффақиятсизликка учрайдилар.

Давлат тест маркази тест синовлари орқали абитуриентларнинг билимини аниқ белгилаш ва адолатли баҳолаш йўллари изламоқда ва бу соҳадаги ютуқларни, натижаларни кенг оммалаштириб, ҳаётга татбиқ этмоқда.

Ҳар йили тест синовлари натижаларига кўра 50 мингга яқин абитуриент, олий ўқув юртларига грант ва шартнома асосида ўқишга қабул қилинмоқда. Лекин бу бахт ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Чунки ўқишга киришни истаган абитуриентлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Масалан, республика олий ўқув юртларига 1999 йилда 195 минг, 2000 йилда 215 минг ва 2001 йилда эса 277 минг абитуриент ариза топширган. Олий ўқув юртларининг айрим факультетларида танлов, яъни бир ўринга топширилган аризалар миқдори 10-15 тага етган. Бундай шароитда ўқишга қабул қилиш (танлов) бал-

сита Тошкентга кела олмаган абитуриентлар ДТМга хат орқали мурожаат этиб, ўзларининг тест натижаларини маълум қилишимизни сўраганлар.

Апелляция вақтида ҳар бир абитуриентга унинг ўз дастхати билан тўлдирилган жавоб варағи кўрсатилади ва унинг кўз ўнгида жавоб варағидан нусха кўчириб берилди. Абитуриентга тест ўтказиш вақтида тушган саволлар китобининг варианты ва нотўғри ечилган саволларнинг рақамлари кўрсатилиб, тегишли материаллар билан танишиш учун вақт берилди. Сўнгра абитуриентга имтиҳонда йўл қўйган хатолари изоҳлаб берилди. Лекин абитуриентлар билан ишлашда катта қийинчилик шундан иборатки, жуда кўп хатога йўл қўйган баъзи абитуриентлар барча хато жавобларини изоҳлаб беришни истайдилар. Масалан, 0611530 рақамли жавоб варағи бўйича 1-блокда 12 та тўғри жавоб топилиб, 13,2 балл тўпланган. Демак, абитуриент шу блокдаги 24 та саволнинг жавобини нотўғри топган. Шу абитуриент 2-блокда 22 та ва 3-блокда 23 та саволга нотўғри жавоб топган. Энди ўзингиз ўйланг: умумий 108 та тест топширигидан 69 таси хато белгиланган бўлса, абитуриентга уларнинг барчасини батафсил тушунтириш учун қанча вақт керак бўлади?

Андижон вилоятида ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси, Халқ таълим вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги ва вилоят халқ таълими бошқармалари ташкилотчилигида «Ўзбекистонда жамоат таълим марказларининг фаолиятлари: натижалар ва режалар» мавзусида семинар кенгаш ўтказилди.

ЮНЕСКО СЕМИНАРИ

Семинар кенгашнинг биринчи кунда иштирокчилар йиғилиши давомида ташкилот кўмағида олиб борилган ишлар кўлами, унинг натижалари ва келажак режалари ҳақида танишишди. Осиё ва Тинч океани минтақаларида фаолият юритаётган ташкилотга

қарашли жамоат таълим марказларининг тажриба алмашинуви мавзуларидаги шўъба машғулотларида қатнашишди. Семинарнинг биринчи иш кунини қатнашчиларнинг «ЎЗДЭУ авто» қўшма корхонасига уюштирилган саёҳати билан якунланди.

Семинарнинг иккинчи иш кунини Избоскан туманидаги ЮНЕСКО бирлашган мактаблар дастурига аъзо бўлган 12-мактабда давом этди. Унда мактаб директори С.Ғозиева мактаб ва мактаб қошида ташкил этилган жамоатчилик таълим маркази фаолияти

ҳақида батафсил маълумот берди.

Шундан сўнг, ЮНЕСКО бирлашган мактаблари дастурига аъзо бўлган мактабларда 2001 йил давомида амалга оширилган ишлар, йўл қўйилган камчиликлар ва 2002 йил режалари муҳокама қилинди.

Мухбиримиз

Yangi yilga — yangi maktablar

Қорақалпоғистон Республикаси Қонлиқул тумани М.Нурмухамедов номли ширкатлар ҳўжалиги ҳудудида жойлашган 5-мактаб биноси ўн йилдан буён авария ҳолатида эди. Бир неча бор бинони қайта қуриш ҳақида бонг уришлар бўлди. Аммо натижа бўлмади. Мазкур мактабни қайта қуриш учун 2001 йилда

биноси қад ростлади. Мактабдаги ошхона, устахона, омборхона ҳашар йўли билан маорифчилар, муаллимлар кучи билан барпо этилди. Ҳозир мазкур янги бинода 462 ўқувчи икки сменада таълим олмақда. Уларга 58 нафар зиёкор дарс бермоқда.

Мактаб директори Барно

Беш ойда қурилатиб мактаб

қатъий ҳаракат бошланди ва Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати 15 млн. сўм, Қорақалпоғистон халқ таълими вазирлиги парта, доска, стол-стуллар учун 10 млн. сўм маблағ ажратди. Эски бинони бузиб, унинг яроқли қурилиш материалларидан янги бино қурилишида фойдаланилмоқда. Қонлиқул тумани ҳокими Буркитбой Қидирниёзов, туман прокурори Азамат Сметовлар эса янги мактаб қурилишини назорат остига олишди.

Нақ беш ой муддат ичида 220 ўринли шинамгина янги мактаб

Шомуротова: — Мактабимиз очи-лишига Қорақалпоғистон Республикасининг раҳбарлари иш-тирок этишди. Мактабга 10 донна компьютер ҳам келтирилди, — деди биз билан суҳбатда. — Ўйлаймизки, ўқувчилар яратила-ётган бундай шароитлардан унумли фойдаланадилар ва кел-ажакда юртга жонқуяр, фидойи инсонлар бўлиб етишади. Зеро, бахтли ҳаёт қуриш учун пойде-ворни бугундан мустаҳкам қўймоқ зарур.

Фойиб ЁҚУБОВ,
“Маърифат” муҳбири

ЙИЛГА ЮКЛАНГАН МАЗМУН

Янги минг йилликнинг илк йилига яқун ясалмоқда. Умри-мизнинг яна бир саҳифасини китоб варағи сингари ёпиб қўйдик. Мамлакатимиз олий ўқув юртлири тарихида ўтаёт-ган йилнинг мазмуни қанчалик бўлди? Узлуксиз таълим ти-зимининг муҳим бўғинида, албатта, тилга олишга арзигулик ютуқлар қўлга киритилган. Бу ҳақда пойтахтдаги айрим олий ўқув юртлирининг ректорлари сўзларини тингладик.

Нодирбек ЮСУФБЕКОВ — Тошкент кимё-технология институти ректори, академик:

— Ҳар бир олий таълим муассасида бошқаларига ҳам ухшаб, ҳам ухшамайдиган жараён кечади. 2001 йилнинг куз очиб юмгунча утиб кетганига гувоҳ булдик.

Институтимиз профессор-ўқитувчилари “Устоз” жамғармаси ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган “Энг яхши дарслик” танловида иштирок этишга ва фахрли уринларни эгаллашга муваффақ булдилар. Булар орасида академик Хусниддин Рустамовнинг “Физика кимё” дарслиги биринчи ва купчилик муаллимлар хамкорлигида яратилган “Кимё ва озиқ-овқат сан-атларининг асосий жараён ва қурилмаларини ҳисоблаш ва до-йхалаш” дарслиги иккинчи уринларни эгаллашди.

Бундан ташқари таълим йуна-лишларида янгилик юзга келди:

ёғочни қайта ишлаш саноати, ма-шина ускуналари ва технологияси. Бакалаврликнинг бу йуналишига ҳам талабалар қабул қилдик.

Мурод ШАРИФХўЖАЕВ — Тошкент молия институтининг ректори, академик:

— Институтимиз олимларининг олиб бораётган илмий тадқиқотла-ри бу йил ҳам давом этди. Ҳозир-ги пайтда республика иқтисодиё-

Sarhisob

тини юксалтиришнинг устувор йуналишлари белгилаб берилган бўлса-да, уларни рубга чиқариш-да узига хос муаммолар мавжуд. Шулардан бири кичик ва ўрта биз-несдир. Бир талай институтимиз олимлари — Р.Ҳасанова, Е.Абдул-лаев, Б.Маҳмудов, Э.Эгамбердиев-лар “Кичик ва ўрта бизнесни ри-вожлантиришнинг концептуал асослари” устида илмий тадқиқот олиб боришиб, Фан ва техника Да-влат қўмитасининг 4 миллион сўмлик грантини қўлга киритиш-ди.

ҲОМИЙ ҚУРИЛИШГА 26 МИЛЛИОН СўМ АЖРАТДИ

Навий вилоятининг Хатирчи туманида таъ-лим тараққиёти йўлида ҳайрли ишларга қўл урилмоқда. Масалан, тумандаги А.Ёрлақ-бов номли ширкат ҳўжалиги ҳудудида 2001-2002 ўқув йили бошида фойдаланишга топ-ширилган янги 81-мактаб биноси қурилиши-га таълим жонқуяри Қўдратулла Сафаров ўз ҳисобидан 26 млн. сўм сарфлагани фикри-миз далилидир. Бу кенжа мактабга йиллаб шогирдлар етиштирган ва маориф соҳасида муносиб из қолдирган Невара Очилова номи берилди.

Дарвоқе, аини кунда мактабнинг аҳил пе-дагогик жамоаси сармоядан ташқари маблағ топишни яхши йўлга қўйишган. Жумладан,

мактабга қарашли 1,7 гектар ер майдони-га деҳқончилик қилиниб, жорий йилнинг 9 ойи-да 750 минг сўм даромад олинди. Соф фой-данинг бир қисми мактабни ободонлаштириш ишларига, маълум қисми кам даромадли оилалар фарзандлари учун дарсликлар со-тиб олишга сарфланди. Маблагнинг бир қис-ми болажонларнинг қишки таътилига ҳам ажратилади. Ҳозир мактаб фаоллар залига янги йил арчаси ўрнатилиб, безатилмоқда. Қисқаси, бундай ҳайрли ишлар ўқувчи-ёш-ларнинг билим салоҳиятини яхшилашда, она-Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўткир ПўЛАТ

НАВБАТ—УЧИНЧИ БОСҚИЧГА

Газетаимизнинг 2001 йил 24 ноябрь сонидида “Олимпиада—фикрлаш мактаби” мақоласи чоп этилиб, унда айтиб ўтилган-дек, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида анъанавий ўтказиб келинаётган фан олим-пиадаларини юқори савияда ўтказишга катта аҳамият билан қарамоқ керак. Мана, олимпиа-даларнинг иккинчи bosқичи ҳам ниҳоясига етиб, учинчи bosқич — вилоят олимпиадалари ҳам яқинлашмоқда.

РТМ ходимлари иккинчи bosқич олимпиадаларини на-зорат қилиш ва ўқитувчиларга методик ёрдам бериш мақсади-да хизмат сафарига бўлдилар.

Аввало, учрашувлар доираси-да Тошкент вилояти халқ таъли-ми бошқармаси кенгашида халқ таълими бўлими мудирлари ҳамда директорлари билан ҳам-корликда амалий семинарлар ўтказилди. Сўнгра олимпиада ўтказиш жараёнлари ўрганил-ганда, Тошкент шаҳрининг Ҳам-за, С.Раҳимов, Юнусобод, Якка-сарой туманларида бўлиб ўтган олимпиадаларни ташкил қилиш ва ўтказиш жараёнлари юқори савияда ташкил этилганлиги-нинг гувоҳи бўлинди. Буйруқлар тайёрланган, тадбирлар режаси ишланган, ҳакамлар ҳайъати, ташкил қўмиталар тасдиқлан-ган, олимпиадалар компьютер-ларда ўтказилган.

Аммо Тошкент ва Сирдарё вилоятларида ташкил қилинган

олимпиадаларда ютуқлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам йўл қўйилган. Ушбу камчилик-ларни биргина Тошкент вилоят-и Янгийўл шаҳри мисолида оладиган бўлсак, айрим фанлар-га далолатномалар тузилмаган. Ҳатто баъзи синфларда 9—10-синфлар олимпиада топшириқ-лари Низомга зид равишда ба-жарилган. Сирдарё вилояти Бо-ёвут туманидаги ихтисослашган

“Olimpiada—2002”

мактаб-интернатда она тили ва адабиёти фанидан ўтказилган олимпиадада 38-мактаб ўқувчи-си И.Мирзаева ўрнига С.Мели-боева киритилган. Транспорт таъминоти, ёмонлиги тўфайли буюртмада қайд этилган 5 нафар ўқувчилар ўз вақтида етиб кел-маган. Бундан ташқари Янгиер шаҳридаги 3-мактаб, Гулистон туманидаги 2-мактаб ҳамда Сир-дарё тумани 1-мактабларида ёзма ишлар шифрланмаган, рус тили ва адабиётидан ёзма иш-ларга тақриз ёзилмаган.

Юқорида таъкидланганидек, хато ва камчиликларга йўл қўймаслигимиз учун навбатдаги 3-bosқич олимпиадаларини қан-дай ташкил қилмоғимиз лозим. Бу борада РТМда барча вилоят-ларнинг ХТБ биринчи ўринбо-сарлари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Йиғилишни ХТБнинг УЎТБнинг бошлиғи А.Зокиров

олиб борди.

— Бу йилги янги тахрирдаги Низом асосида ўтаётган фан олимпиадаларнинг, — деди но-тик, — учинчи bosқич, вилоят олимпиадаларини ўтказиш тар-тиби барча вилоятлар учун яго-на тартиб асосида олиб борила-ди. Бу йилги ўтказилаётган олимпиадаларнинг фарқи шун-даки, барча фанлардан иккинчи турда ёзма ишлар қўйилган. Бу эса барчага катта масъулият юклайди. Шунинг учун 11-синф ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган ҳар икки турдаги олимпиада топшириқлари рес-публика ташкилий қўмитаси то-монидан тайёрланиб, олимпиа-да ўтказилишидан бир кун ав-вал ХТБ вакили томонидан ви-лоятларга етказилади.

Шундан сўнг маърузаларда ҳар бир вилоят ХТБ биринчи ўринбосарлари жойларда би-ринчи ва иккинчи bosқич олим-пиадалари ўтказилганлиги ва ҳозирда учинчи bosқичга қандай тайёргарлик ишларини олиб бораётганликлари хусусида ҳисобот бердилар.

Хуллас, учинчи bosқичдаги фан олимпиада баҳслари ниҳо-ятда ушқоқлик билан ўткази-лиши кутилмоқда.

РТМ УМУМИЙ ИШЛАР
БўЛИМИ

ТАЛАБА ТАЪТИЛИ

Ўқув йилининг биринчи ярми ниҳоясига етди. Олий ва ўрта махсус ўқув юртлири талабалари учун қишки таъ-тил бошланди. Ҳар бир таълим муассасаси ўз ички им-кониятларини ҳисобга олиб, таътил кунларини белгилай-ди. Олис вилоят ва туманлардан келиб илм эгаллаётган ёшларга, албатта, ўз туғилиб ўсган юртлирида бўлиш-дан кўра зиёдрок қувонч йўқ. Бу фикрни талабалар ҳам тасдиқлайди.

Мансуржон РАҲМОҲОВ — Жаҳон иқтисодиёти ва дип-ломатия университети 2-курс талабаси:

— Гарчанд пойтахтда таҳсил олсак-да, турли вилоятлардан келган биз ёшлар она юртимиз руҳи билан яшаймиз. Киндик қонинг томган юртдан азизроқ гўша ҳам аслида йўқ.

Университетимиз маъмурия-ти ҳар йили талабаларнинг қишки таътилни мазмунли ўтказишларида катта аҳамият беради. Ҳафта-ўн кунлик таъ-тилда биз она юртимизда бўлиб, яқинларимиз — ота-она, опа-сингил, ака-ука ва қариндошлар-имиз билан дийдорлашиб қай-тамиз. Соғинч туйғусини қонди-риб, яна ўз ўқув юртинга қай-тиш талабага куч-ғайрат, илҳом бағишлайди. Қишки семестрни ҳам ана шу қайфият таъсирида тез ва соз топшираимиз.

Ҳозир Андижоннинг Марҳа-матидаман. Ота-онам, жигарлар-им, менга сабоқ берган азиз устоз-мураббийлар билан учра-шиш, суҳбатда бўлиш бир дунё завқу шавқ бағишлайди.

Баҳодир ЁҚУБОВ — Нукус Давлат педагогика институтининг тарих-ҳуқуқшунослик фа-культети 4-курс талабаси:

— Янги йил арафасидаги қишки таътилни талабалар бе-сабрлик билан кутишади. Бай-рамнинг таътилга уланиб кети-ши, албатта, кўнгулга ҳузур ба-ғишлайди.

Ҳўжайли билан Нукус шаҳри-нинг ораси унчалик узок эмас. Туғилиб ўсган жойинг эса сени ҳамиша ўзига чорлаб турар экан.

Таътил ҳам тез кунларда ўтиб кетади. Аммо барибир таътил-нинг бўлгани яхши, айниқса та-лабалар учун.

НАВБАТ «ЎҚИШ КИТЎБИ» ТА

Чилонзор туманидаги 90-ўрта мактаб саҳнасига йиғилган болажонлар «Алифбе» байрамини ўтказиш учун тўпланди-лар.

Бир томони янги йилни кутиб олиш. Байрам сценарийсининг 1-«Б» синфига бағишланган қис-мини ўқитувчи Дило-изланиб тайёрлаган.

Эртақ қаҳрамони **Tadbir** — Қорбобо ташрифи, одобсиз боланинг жажжи Сардорбекнинг даврани бошқариши, ҳамма-ҳамма-сида муаллиманинг изланувчанлигидан далолат берувчи ни-маларнидир илғадик.

Мактаб директори Аҳмаджон Жавҳаров байрам якунида сўз олиб, компьютер саводхонлигига эришаётган, англиз тилини ўрганаётган болаларга ҳавас билан боқиб, дил тўри-даги самимий тилақларини билдирди.

Муҳбиримиз

«Миллий анъана, урф-одат ҳақида ўйлаганимда «Ўтган кунлар» романига мурожаат этаман, халқимиз беназир кадриятлар соҳиби бўлганидан фахрланаман».

«Ҳаёт — ибрат манбаи». Шу номдаги рисолаи ўқиган китобхон Зуннуовлар сулоласи ҳақида маълум тасаввурга эга бўлади.

Бугунги меҳмонимиз 70 йилдан буён халқ таълими соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган, адабиёт ўқитиш методи ва миллий педагогика тарихига оид кўплаб дарслик, қўлланма ва монографиялар, 150 дан зиёд илмий-методик мақола ва рисолалар муаллифи, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ўқитувчи, педагогика фанлари доктори, профессор, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Асқар Зуннуовдир. Ўқитувчилар ва ўқувчилар домланинг «Ўзбек адабиёти тарихидан очерклар», «Адабиёт назарияси», «Бадиий асар таҳлили», «Адабиёт ўқитиш методикаси», «5-10-синфларда адабий-назарий тушунчаларни ўрганиш», мажмуаларини ўқиган, албатта.

Меҳмонхона



тозлар ўз фаолиятлари билан менда муаллимлик касбига ҳавасни, адабиётга бўлган меҳрни оширдилар. Шу сабабли ҳам уларнинг номларини ҳамма вақт чуқур эҳтиром билан эслайман.

— Домла, Сиз доимо ўқитувчи бўлганингиз билан унутилмас ҳаётингиз билан қандай ҳиссий алоқасизми?

— Ҳаётимда яхши ва нохуш дамлар ҳам бўлган. Одамларга яхшилик қилиш ҳамон шиоримдир.

1971 йилда Тожикистон-

Сторчак ва бошқалар билан бевосита мулоқотда бўлдим. Улар билан суҳбатлашдим, асарларини ўқидим. Тадқиқотда қўллаган методларини ўргандим. Булар эса ўзбек адабиётини ўқитиш методикасининг илмий-назарий асосларини, педагогика фанини чуқурроқ эгаллашимга ёрдам берди. Институтимизнинг адабиёт ўқитиш бўлимида мен билан бирга ишлаган адабиётшунос олим Фулом Каримов, Озод Шарафуддинов, шоир Ўткир Рашид, методист Субутой Долимовларнинг самимийлиги, очиқ кўнгиллиги ҳам методик фаолиятим ривожига муҳим аҳамият касб этди.

— Сизнинг раҳбарлигингизда нашр этилган дарслик, қўлланмаларда миллий педагогика тарихини ёритишга эътибор берилган. Шунда ҳам

Мустакиллик шарофати, неъматидир. Мустақиллик туфайлигина биз буюк бобомиз Амир Темур ўғитларини, Имом ал-Мотуридий, Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳо-

менга тинчлик бермайдди. Шу сабабли, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга татбиқ этишнинг иккинчи босқичида ҳам иштирок этиб, академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун «Педагогика тарихи» дарслиги устида ишлаяпман. Бу китобда марҳум ва барҳаёт атоқли шоир, адибларнинг педагогик қарашларини ёритишни ҳам ният қилиб қўйганман.

Ислом Каримов 2002 йилни қарияларни кадрлаш йили деб эълон қилди ва ота-онага хизмат қилиш, уларнинг дуосини олиш туйғуси билан яшайдиган одамлар ҳеч қачон кам бўлмаслигини, бу қадриятларни ёшларимиз қалбига сингдириш ва уни инсоний этиқодга айлантириш зарурлигини таъкидлади. Юртбошимиз сўзларини эшитиб, дарсликни ёзишга ний вужуддан мақсад эти олий бахт — саодатга эришувдир, аввало у бахт-саодатнинг нима ва нималардан иборатлигини билишни, унга эришувни ўзига ғоя ва энг олий мақсад қилиб олиши, бутун вужуди билан мафтун бўлиши керак. Кейин у бахт-саодатга олиб борадиган иш-амал ва воситаларнинг нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Сўнгра эса, бахт-саодатга эриштирадиган ишларни бажаришга киришмоғи лозим бўлади» деган.

— Ниятингизга етишишигизга биз ҳам тилакдошимиз. Соғ-саломат бўлинг. Қарияларга, касбдошларингизга айтадиган тилақларингиз бордир...

— Мен Мустақиллик шарофатидан баҳраманд бўлаётган хурматли қарияларга сиҳат-саломатлик тилаган ҳолда, уларнинг эркин, озод халқимиз, Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишадиган ёшларимизни баркамол инсон қилиб тарбиялашда фаол иштирок этишларига ишонаман. Чунки, инсоннинг ижобий хислати башариятнинг севишдир. Бу хислатга эга бўлган инсон халқнинг осойишталиги учун ҳаётини бахшида этишга ҳам тайёрдир.

Олимнинг ижодхонасида бўлган суҳбатимиз икки соатдан ортиқ давом этди. Суҳбатда Асқар Зуннуовнинг жавондаги илмий, бадиий, тарихий китоблари билан танишиб чиқишга вақт бўлмади. Лекин шкафларда шогирдларининг диссертацияси, ҳамкасб олимлардан, ўқитувчи ва ўқувчилардан олинган мактуб ва табрикларнинг сақланганини кўриб, домланинг уларни эъзозлашидан ҳайратландим.

Дарҳақиқат, олим учун бундан бўлак ҳаёт тарзи бўлмаса ҳам керак.

Суҳбатдош: Хулқар
ТҶИМАНОВА

— Домла ҳар бир шахснинг ҳаётда ўз ўрнини топиши оиладан бошланади. Шу маънода оила муқаддас даргоҳ.

— Нима демоқчи бўлгари, онам — Ойгура ҳожи кизлари маърифатпарвар бўлишган. Шорасул акам — ўқитувчи, шарқшунос олим, Ҳасан акам — ўқитувчи, журналист бўлиб мактаб ва билим юртларида она тили, адабиётдан дарс беришган, шу фанлар бўйича одоб-ахлоққа доир дарслик, қўлланмалар ёзишган. Рафикам Кароматхон ўттиз йил мактабда бошланғич синфларда дарс берган.

Уйимизда бадиий асарларни, газеталарни ўқиб узлуксиз давом этарди. Менда албатта, сўз санъатига ҳавас ана шу муҳитда пайдо бўлган.

Ҳозир 7 набира, 11 эваранинг бобосиман. Ўғлим Бахтиёр — техника фанлари доктори, профессор, Халқаро инженерлик академиясининг академиги, Олий Мажлис депутати, Тошкент архитектура-қурилиш институти ректори. Келиним Дилшоода — архитектор, қизим Нодира — доришунос, тўрт ўғил ва бир қиз набирам қурилиш инженери, иқтисодчи, бошқалари мактабда, лицейда ўқишмоқда.

— Домла, қалбингизда ўқитувчилик касбига, сўз санъатига ҳавас туйғусининг шаклланишида устозларнинг ҳиссаси ҳам катта бўлган. Улардан кимларни эслайсиз?

— 1928 йилда Кадиобод маҳалласида ён қўшни бўлган шоир Фафур Фулом бир куни қўлимдан ушлаб уйига олиб кирди. Умр йўлдоши Муҳаррам опа сизлаб, «Келинг, Шоасқар» деб очиқ чехра билан қарши олди. Фафур ака айвонда мен билан ёнма-ён ўтирдим. Мактабдаги ўқишим, қандай китобларни ўқиётганимни сўради, мен айтиб бердим. У ўрнидан туриб уйга кириб, китоблар олиб чиқди-да, «Мана булар сенга, яхшилаб ўқи» деди. Раҳмат айтиб китобларга қарасам, улар «Кулгили ҳикоялар», «Ҳикоялар» тўплами ва «Нетай» қиссаси экан. Уйда уларни синчиклаб ўқидим, қизиқарли, раво-

уллубда ёзилганини кўриб, Фафур аканинг маҳаллада, Қумлоқ гузаридан оддий одамлар, йигитлар билан мулоқотда бўлиши, халқ жонли тили, сўз ва иборалари, ҳаётимизга гапларига кизияна халқнинг ўзига тақдим этаётганини англаб олдим.

1923-1933 йилларда мактабда, 1938-1943 йилларда кечки педагогика олий юртида таълим берган Абдулла Хўжахонов, Шарифқори

Асқар ЗУННУОВ:

ҲАЁТ — ИБРАТ МАНБАИ

Латипов, Муродхўжа домла, Аюб Фулом, Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймоновларнинг номи қалбим тўридан жой олган.

Абдулла Хўжахоновнинг бадиий асарни ифодали ва ҳаяжонли ўқиши, касбини севиши, гўзал ахлоқи, билимдонлиги, меҳр-шафқатлиги ўқувчиларга намуна эди. Аюб Фулом тил илмининг билимдони, кучли хотира соҳиби бўлганлиги билан талабаларда ўзига нисбатан меҳр уйғотган эди. Мақсуд Шайхзоданинг Алишер Навоий дostonлари ва улардаги қаҳрамонлар, рубойи ва газаллари ҳақида қилган раво, гўзал маърузаларини тинглар эканмиз, буюк шоир ва у яратган образлар кўз олдимизда бир-бир намоён бўларди. Ҳамид Сулаймонов ўзининг қизиқарли, раво нутқи, моҳир хаттот соҳиби бўлганлиги билан талабалар ҳурматини қозонган эди. Ҳамид ака Сервантеснинг «Ломанчлик Дон Кихот», Дантенинг «Илохий комедия», Софоклнинг «Шоҳ Эдип», Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Отелло» асарларини таҳлил қилганда, унинг ўзи асар қаҳрамонларидек ҳаракат қилар, товушлари ҳам ўзгариб турар эди.

Ўқитувчига хос фазилат, ижодкорлик, камтарлик, ахлоқий баркамолликни ўзларида мужассам этган бу ус-

нинг Регар шахридаги 96-мактабда бўлганимда, 4-синфда ўқийдиган бир қиз Фафур Фуломнинг «Сен етим эмассан» шеърини чиройли ўқиди. Мен унинг исмини билиб, пешонасини силаб, раҳмат қизим, дедим. Қиз йиғлади, йиғлашининг сабабини ўқитувчилардан билдим, отаси вафот этган экан. Руқия ва унинг 5-синфда ўқийдиган Рисолат сингиси билан суҳбатлашдим. Шу суҳбатдан кейин 10-синфини битиргунларига қадар Тошкентдан уларга барча ўқув фанлари бўйича дарсликларни юбориб турдим, институтга киришларига кўмаклашдим. Ҳозир улар ўқитувчи бўлиб ишлашяпти. Уларга маънавий оталик қилиб, ҳаётда оёққа туриб олишларига мададкор бўлганимдан кўнглимда бир илиқлик туюман.

— Маълумки, ҳар бир халқ, ҳар бир олим илм-фан соҳасида ўзга мамлакат олимлари билан мулоқотда бўлади. Сизнинг фаолиятингизда бу жараён қандай кечган?


— Адабиёт методикаси соҳасида олиб борган ишларим жараёнида Ўрта Осиё ва Россия, Украина, Озарбайжон республикалари методист ва педагог олимлари — О.Язимов, К. Имоналиев, М.Орипов, И.Обидов, В.Голубков, Н.Кудряшев, К.

уддин Нақшбандий каби заминдош буюк алломаларнинг асарларини, педагогик таълимотларини, Куръони Карим ва пайгамбаримиз Муҳаммад алайҳис салом ҳадисларини ўқиб-ўрганиш шарафига муяссар бўлдим. Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Абдулла Қодирий ижоди, маърифатпарварлик қарашларидан баҳраманд бўляпмиз. Ана шу буюк зотларнинг таълим-тарбия хусусидаги ғоялари, таълимотларини асосий манбалар — улар яратган асарларни ўқиб, ўрганиш асосида тадқиқ этиш зарурлигини чуқур ҳис қилдим. Шунга кўра, бу соҳани яхши ўрганган файласуф, тарихшунос, адабиётшунос, диншунос олимлардан иборат муаллифлар гуруҳи тузилиб, миллий педагогик кадрларимиз ифодаланган «Ўрта Осиёда педагогик фикр тараққиётдан лавҳалар», «Ўзбек педагогикаси тарихи» қўлланмалари, «Педагогика тарихи» дарслиги яратилди.

— Домла, шу кунларда ҳам қандай асар ёки китоб ёзиш билан шуғулланаяпсиз?

— Ҳа, бир буюк донишманднинг «Ҳақиқий олимнинг асосий йўли изланиш, текшириш ва тажрибаларни такомиллаштириш, унга абадий интилиш, ташналик йўлидир», деган сўзлари





**Мустақил диёримизда эркинлик ҳавосидан нафас
ўзлигини англаган, миллий ғурур ва ифтихорини тикла-
ган, жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб ўрин эгалла-
ган, дунёқарашида, тафаккурида ижобий силжишлар
содир бўлаётган бутун ўзбекистонликларни, маънави-
ят, маърифат, маданият сарчашмаларидан бағри ос-
мон, ўйи ойдин, истиқболи порлоқ авлодларимизни
баҳраманд қилаётган халқ таълими ходимларини, бу-
тун қорақалпоғистонлик ва эликқалъалик ҳамкасб-
ларимизни кириб келаётган Янги йил байрами билан чин
дилдан самимий қутлаймиз**

**Тилагимиз заминимиз узра Қуёш мангу порласин!
Ҳеч қачон мусаффо осмонимизни қора булутлар
қопламасин! Ерларимиз серҳосил бўлиб, дарёларимиз
об-ҳаётга тўлсин!**



**ЭЛИКҚАЛЪА ТУМАН
ҲОКИМЛИГИ ВА ХАЛҚ
ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ**



(Sahnaga ikki jarchi ikki yoqdan chiqib keladi.)

I jarchi: Odamlar, odamlar!
II jarchi: Bog'da bitgan bodomlar!

I jarchi: Malikamiz Shaxnoza-bonu betob bo'lib qoldilar.

II jarchi: Kimda - kim malikamiz dardiga shifo topsa, podshohimizning tahsinlariga sazovor bo'lur.

(Sahnada shoh taxti ustida o'tiribdi, oldida malika yotibdi yoki mayus o'tiribdi.)

I jarchi: — Shohim, bir musofir tabib huzuringizga kirmoqchi!

Shoh: — Qayerlik ekan?

I jarchi: — Aytishicha mashhur tabib Ibn Sinoning yurtdoshi emish.

Shoh: — Ayt, kirsinki!
(Tabib kirib keladi.)

Tabib: — Assalomu alaykum, olampanoh (ta'zim bilan).

Shoh: — Vaalaykum assalom, musofir yigit.

Tabib: — Aytishlaricha, malikamiz betob ekanlar?

Shoh: — Darhaqiqat, mana bir necha kunki, qizim betob, hech kim bilan gaplashmaydi, o'ynamaydi, hatto taom yemaydi.

O'nlab tabiblar kelib ketdiyu, davosini topa olmadilar.

Tabib: — Ruhsat bering, malikani ko'rib qo'ysam.

(Malikaning tomirini ushlab ko'radi.)

Tabib: — Shohim adashmasam, qizingiz ancha vaqtgacha saroyda yolg'iz qolib ketganlar. Shu bois malikamiz « xafaqonlik» dardiga duchor bo'lganlar.

Shoh: — Gaplaringizga qo'shilaman. Ammo, bu darning davosi nedur?

Tabib: — Malikamiz ko'proq bolalar davrasida bo'lishlari kerak. Bu borada men sizga bir joyni maslahat beraman.

Shoh: — Xo'sh, xo'sh.

Tabib: — Bugun qadim Toshkent shahrining qoq o'rtasidagi bilim maskanlarining birida katta bayram. — Bu yil ilk ma'rotaba maktabning 1 — «A» sinfiga qadam qo'ygan bolajonlarimiz o'zlarining "Savodxonlik" bayramlarini nishonlamoqdalar.

Shoh: — Ma'qul.

Tabib: — Keling taxti ravon yordamida bayramga boraylik, Shoshilmasak bo'lmaydi.

Bolalar: — Assalomu alaykum!

Tabib: — Bayramingiz muborak bo'lsin!

Bolalar: — Rahmat.

Tabib: — Bugungi shodiyona-mizga men olis yurtlardan mehmon olib keldim.

Bolalar: — Xush kelibsiz!

Bolalardan biri: — Qani, mehmonlar, to'rga chiqing, xush ko'rdik.

Tabib: — Aziz bolajonlar, malikamiz biroz betoblar, ularga sizning yordamingiz kerak.

Bolalar: — Jonimiz bilan!

Tabib: — Bayramni a'lo darajada o'tkazib, malika va shu yerga yig'ilgan mehmonlarni xushnud etasiz degan umiddaman.

Bolalar: — Bajonidil.

O'quvchi: Shahrimiz so'lim-so'lim,
Ko'ksimdadir o'ng qo'lim,
O'zbekim odaticha.

Hamma: — Assalomu alaykum!

Suxandon: — Assalomu alaykum, mehriyo, qalbi daryo ustozlar, mehmonlar!

Bugun koshonamizda katta tantana. Va biz bugun juda baxtiyormiz! Chunki bolalarimiz O'zbekiston deya atalmish osuda, tinch, go'zal vatan qo'ynida, barcha sharoitlarga ega, yorug' ilm

maskanlarida mehribon ustozlar qo'lida ilk savodlarini chiqardilar.

1-o'quvchi: — Havas qiling menga do'stlar, men Navoiy naslidanman

Ibn Sino, Amur Temur avlodining aslidanman.

2-o'quvchi: — Al-Xorazmiy, Al-Motrudiy

Men uchun buyuk daho, O'zbekim buyukligin Tan olgan hatto samo.

3-o'quvchi: — Tilimga nur sochgan

Mening ajdodim.

Yulduz sirini ochgan Mening ajdodim.

Ilmu fan gulshanida O'zbekimdir shoh

Hamma: Biz o'zbek farzandi, Allhamdulilloh.

(Hamma qo'lidagi do'ppini kiyadi.)

«Seni ko'rgim kelar» raqsi ijro etiladi.

Tabib: — Aziz mehmonlar, ko'rib turibsizki bu bolajonlarning aytayotgan so'zlari, qanchalik ma'nili, tillari qanchalik burro?!

Qanchalik ravon, vaholanki, bu bolalar bor - yo'gi 4 oy oldin maktab ostonasiga qadam qo'yishgan. Bu esa, mashaqqatli mehnat natijasidir.

Suxandon: — Biz hozir ana shu mehnat sohibasi haqida so'z yuritmoqchi edik. Marhamat u kishi bilan tanishing.

O'quvchi: — Ustozimiz (Hamma

O'quvchi: — 1999 yil «Ayollar yili» deb e'lon qilindi.

Jannat onalar oyog'i ostidadir.

O'quvchi: — 2000 yil Bizning kamolimizni o'ylab «Sog'lom avlod yili» deb e'lon qilindi.

Sog' tanda, sog'lom aql.

O'quvchi: — 2001 yil «Onalar va bolalar» yili deb e'lon qilindi.

Ona bilan bola — gul bilan lola. Raqs ijro etiladi.

Suxandon: — Endi tantanamizning asosiy qismiga o'tamiz.

Turinglar sud kelmoqda!
(Sahnaga Alifbe, matematika, Odobnoma, Ingliz tili kirib keladi.)

Ingliz tili: So'z sud raisi — Alifbe Savodxon qiziga.

Alifbe: Hamma shu yerda bo'lsa Sud ishini boshlasak.

O'rgangan harflaringizga bir - bir nazar tashlasak.

O. Oppoq to'shli oqqushlar, Oyko'lda ko'ngil xushlar.

T. Tulki der: tipratikan Tikaning buncha yomon?

N. Ninachi, hoy ninachi, Nog'oraga o'ynachi.

A. Ayiq axtarar asal, Asal yemasa kasal.

I. Itim bor - nomi Chinoq Ikkalamiz xo'p inoq.

M. Morjning bolasi deydi: "Muzqaymoq bo'lsa edi".

D. Dengizda esli jonivor Delfin degan hayvon bor.

B. Baliq suv bilan tirik, Boqsang bo'ladi yirik.

L. Laylak keldi yoz bo'ldi,

- TAN so'zi hosil bo'ladi.

Alifbe: — «Vatan» so'zin yozdingiz,

«Vatan» o'zi nimadir?

Vatan degani bu...

O'quvchi: — Vatan degani bu O'zim deganim,

Birinchi ko'rganim Ko'zim deganim.

Aslida Vatan bu Tug'ilgan joyim,

Birinchi qadamim Etganim payim.

Birga yashaganim Millatim - xalqim,

Ajralmasin aslo Vatandin hech kim.

Matematika: Mendan nima bildingiz? So'zlang nalar ildingiz?

1 — Birinchi bo'ling har ishda, Ilg'orlikda, o'qishda.

2 — Ikki qo'ldan chiqar qars, 2 olma, qilgin dars.

3 — «Uch og'ayni botirlar», Dushmanni yakson qilar.

4 — Yaratganingiz bog' bo'lsin, To'rt muchangiz sog' bo'lsin!

5 — Besh baho a'lo baho, Besh olib, bo'ling dono.

6 — 1 va 5 ni qo'shib 6 hosil qilamiz.

Birinchi va a'lochi Omon bo'lsak, bo'lamiz.

7 — Etti o'Ichab bir kes, Ishning rivojini shunda sez.

8 — Ikki to'rt qo'shilgan oni, Hosil bo'lar sakkiz soni.

9 — Sakkiz sal nari yurar,

«SAVODXONLIK» MUBORAK! «Alifbe» bayramini o'tkazish bo'yicha senariy

o'qituvchisining ismi-sharifini birgalikda aytadilar).

O'quvchi: — Onamizga ettik qiyos,

Mehr to'la ko'zingizni. Bir ko'rishda sevib qoldik, Shirin so'zu o'zingizni.

O'quvchi: — Onamdayin ardoqlay sizni.

Umringiz boqiy bo'lsin ustozim Yangi qaldirdig'ochlar bosh egib shu dam,

O'qituvchi onaginam, sizga bir ta'zim.

(«Aziz ustozlar» qo'shig'i ijro etiladi)

Doim aziz hurmatingiz, Unutmaymiz mehnatingiz, Jonajonlar, mehribonlar, Aziz ustozlar.

Sizga izzat, sizga hurmat, Yosh qalblarda bo'lur har vaqt. Jonajonlar, mehribonlar, Aziz ustozlar.

Boshimizni siladingiz, Bizga oq yo'l tiladingiz, Jonajonlar, mehribonlar, Aziz ustozlar.

Suxandon: — Biz ustozimizdan nafaqat o'qib yozishni, balki, Vatanimiz tarixi sahifalaridagi qutlug' sanalar haqida ham to'la ma'lumotga ega bo'ldik. Hozir shu sanalarning ayrimlari haqida to'xtalib o'tsak.

1996 yil Yurtboshimiz tashabbusi bilan «Amir Temur yili» deb e'lon qilindi.

Kuch adolatdadir har dam, O'git qilgan Temur bobom.

O'quvchi: — 1997 yil - «Inson manfaatlari yili» deb e'lon qilindi.

Jon tanda mehmon Inson - insonga.

O'quvchi: — 1998 yil «Oila yili» deb e'lon qilindi.

Men, otam va onam Oiladir bir Vatan.

1996 yil Yurtboshimiz tashabbusi bilan «Amir Temur yili» deb e'lon qilindi.

Kuch adolatdadir har dam, O'git qilgan Temur bobom.

O'quvchi: — 1997 yil - «Inson manfaatlari yili» deb e'lon qilindi.

Jon tanda mehmon Inson - insonga.

O'quvchi: — 1998 yil «Oila yili» deb e'lon qilindi.

Men, otam va onam Oiladir bir Vatan.

Oromgohlar soz bo'ldi.

U. Uzib beraymi uzum, Uzimni ekan o'zim.

K. Kukulab deydi kakku, Ko'klamda in kerakku.

Y. Yo'lbarsning to'ni yo'l-yo'l, Yo'liqsang ehtiyot bo'l.

Z. Zag'cha zo'ldir topibdi, Zarg'aldoqqa chopibdi.

Ye. Yelkanli kema kelar, Yellardan o'zib kelar.

V. Vaqir - vuqur qurbaqa, Vazifam der, shunaqa.

G. Gorilla degan maymun, Gir - gir o'ynaydi har kun.

G'. G'ala - g'ovir boshlanar, G'ozlar donga tashlanar.

O'. O'rgimchak hoy o'rgimchak, O'rgat to'qishni jindak.

S. Sa'va rosa sayraydi, Salqin bog'da yayraydi.

P. Pashsha sovg'otdi juda, Paypog'i yo'q edida.

R. Ra'no opam raqqosa, Raqsni boplar rosa.

Q. Qalt-qalt qaltirar quyon, Qo'rqqani shundan ayon.

H. Hassa ushlab hakkalab, Hakka kelar: — Nima gap.

X. Xo'roz qichqirib «quv - quv», Xabarlar: tong otdiku.

Sh. Sher uzun she'r to'qidi, Sharillatib o'qidi.

F. Fil fontanda cho'mildi, Faqat yarmi ko'mildi.

Ch. Chumoli chigirtkani Chaqirdi — choy ichgani.

J. Jo'ja va Jibljajbon, Juda jo'ra, jonajon.

Ng. Bodring pishdi polizda, Tongda uzib ol tezda.

O'quvchi: Aql bilan saflansak, So'zlar bo'ladi hosil.

V harfi: — Bilib - bilib do'stlashar

Bo'g'in - bo'lar buni bil. V harfi oldinga chiqadi, keyin A, T, A, N harflari saflanishadi. VA

To'qqiz tashrif buyurar.

Matematika: — Raqamlarni bilamiz xo'p,

Menda yana ilmlar ko'p.

O'quvchi: — Juft va toq, o'ng chapni,

Sendan biz bilib oldik. Qiziq misollar yechib, Aqlni ishga soldik.

Matematika: — Meni qildingiz xursand,

Olim bo'ling davlatmand.

Ingliz tili: — Sud o'z ishini musiqiy tanaffusdan so'ng davom ettiradi.

(Fanlar chiqib ketadi.)

1. «Xorazmcha» raqs.

2. Intermediya. (Yana fanlar kirib kelishadi.)

Ingliz tili: — Sud ishi davom etadi.

Endi so'zni Odobjon Ahloqjon qiziga beramiz.

Odobnoma: — Yaxshi bolaga a'lochilik kam,

Zeb beradi unga go'zal odob ham.

Qani endi hadis va maqollardan bir shingil eshitaylik.

O'quvchi: — Ustozingga tik qarasang to'zasan,

Hurmat qilsang asta - asta o'zasan.

Hadis: — Kimki insonlarga berahm — unga Olloh berahm.

O'quvchi: — Rahmat olgan omondir,

La'nat olgan yomondir.

Hadis: — Yaxshi so'z sadaqa.

O'quvchi: — Iliq so'z-shakar, Sovuq so'z — zahar.

O'quvchi: — Yaxshining so'zi oltin, Yomonning so'zi — bolta.

Qo'shiq: «Yaxshi bola.» Hamma joyda yarashadi Yaxshi bola, yaxshi bola. Uy ishida qarashadi

O'qituvchilarga yordam

Yaxshi bola, yaxshi bola. O'ynab yurib sevinadi

O'z - o'zidan, o'z - oz'idan.

Yaxshiligi seziladi Yuz-ko'zidan, yuz-ko'zidan.

Maktabidan qolmaydi hech Yaxshi bola, yaxshi bola.

Yomon baho olmaydi hech Yaxshi bola, yaxshi bola.

Yashayversin, hamma joyda, Keltiradi elga foyda

Yaxshi bola, yaxshi bola.

Odobnoma: — Rahmat bolajonlar, meni juda xursand qildingiz.

Yakunlovchi so'zni men ingliz oyga bermoqchiman.

Ingliz tili: — Xo'sh aziz bolajonlar, meni nima bilan xursand qilmoqchisiz?

(Ingliz tilida dialog.)

O'quvchi: — Gudmoning, gudmoning,

Gudmoning tu yu. Gudmoning, gudmoning,

Ay em gled tu si yu tu, Sud o'z ishini yakunlab,

maslahatga kirib ketadi. Ungacha bir oz dam oling.

Reklamali tanaffus.

Atala: — Birinchi qoshiqdayoq sevib qolasiz.

Isiriq: — Qorningiz og'risa urug'idan, tomog'ingiz og'risa damlamasidan, tumov bo'lsangiz tutantirig'idan foydalaning.

Yelpig'ich: — Yozning jazirama kunlarida zamonaviy uy sovutgichlaridan emas, momolarimizdan qolgan yelpig'ichlardan foydalaning.

Alifbe: — Sud qaror qiladi: — Aziz bolajonlar, qisqa vaqt ichida siz men o'ylagandan ham zukko bo'lib ketibsiz. Endi meni bu yerda qiladigan ishim qolmadi. Shu bois, men yanagi o'quv yiliga nafaqaga chiqib o'z o'rnimni «O'qish kitobi»ga bo'shatib beraman.

Matematika: — Bizlar esa ko'p yillar sizlar bilan turli masalalarda hamsuhbat bo'lamiz.

Hamma: — Biz sizlardan minnatdormiz, aziz kitoblar!

«Kitob mening do'stimsan» qo'shig'i ijro etiladi.

Yosh o'ynoqi ko'zlarim Shuur olar kitobdan.

Tashkil topib so'zlarim Baxtim kular kitobdan.

Shuning uchun deymanki, Kitob mening do'stimsan.

Varaqlasam bir boshdan Quv nab baxrim ochilur.

Oltin - harf so'zlardan Totli ma'no sochilur.

Shuning uchun deymanki, Kitob mening do'stimsan.

Tabib: — Shohim, menimcha, malikamiz ancha tuzalib qoldilar.

Balki malikamiz ham, bolalar bilan o'yinga tushib berarlar.

Shoh: — Agar istasa mayli.

O'yin: (Malika ham o'yinga tushadi.)

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ИСТИҚЛОЛ ЙИЛЛАРИДА

АНЪАНАГА АЙЛАНГАН ТАШАББУС

Хар йили май ойининг 25 санаси Сирдарё туманидаги Хомидқул Элмуродов номли 13-мактабда ўзгача бир тантаналар билан ўтади. Ҳар йилининг сўнгги машғулоти кечаётган дамларда бу ерга 20 йил олдин билим даргоҳини битирган собиқ ўқувчилар таъриф буюришади. Бу 20 йилдан кейинги оддий учрашув эмас, дийдорлашув ва меҳр-оқибат намойиши ҳамдир.

Мактабни 1975 йилда битирганлар 1995 йилда ажойиб бир ташаббус билан чиққан эдилар. Улар маблағ тўплаб, учрашув ўтказиш, еб-ичиб туриб кетиш эмас, балки жонажон мактабга тайёрлашнинг ҳамда болалар боғчалари битирувчиларнинг мактабдаги курсаткичлари мониторинги йўлга қўйилган. Вилоятдаги бир қатор болалар боғчаларида юқори маънавият ижодкор кадрлар ишлайди. Мактабга таълимга қўйилган давлат талаблари...



Сирдарё вилояти халқ таълими бошқармаси ҳамда унинг жойлардаги бўлимлари томонидан "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" вазифаларининг бажарилишини доимий назорат қилиш мақсадида унинг доимий мониторинги олиб борилмоқда. Аввало, таълимнинг илк босқичи ҳусусида сўз юритилган бўлса, вилоятда фаолият кўрсатаётган 182 та мактабга таълим муассасасида 18468 нафар болалар таълим тарбия олмақда. Бу эса мактабга ёшдаги болаларнинг 19,5 фоизини ташкил этади. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида мактабга таълим муассасаларига болаларни тортиш фаолияти улар тармоғининг камайиш ҳолати тўхтатилган.

Хозир 1999 йилга қараганда, мактабга таълим муассасаларида болалар сони Мирзаобод туманида 5,5 фоиз, Ш.Рашидов туманида 2,2 фоиз, Оқолтин туманида 8 фоиз, вилоят бўйича курсаткич 3 фоизга қўпайган.

Вилоятда 12 та боғча-мактаб мажмуи, 5 та хонадон боғча, 11 та санатория типидagi мактабга таълим муассасалари ташкил этилган. Сўнгги

3 йилда бу типдаги болалар боғчаларининг тармоғи 3 тага қўпайган.

Вилоят халқ таълими бошқармасида мактабга таълим муассасалари тарбиячиларининг фаолияти, болаларни мактабга тайёрлашнинг ҳамда болалар боғчалари битирувчиларнинг мактабдаги курсаткичлари мониторинги йўлга қўйилган.

Вилоятдаги бир қатор болалар боғчаларида юқори маънавият ижодкор кадрлар ишлайди. Мактабга таълимга қўйилган давлат талаблари...

1998 йил 5 январдаги 4-сонли "Узлуқсиз таълим тизимини дарсликлар, ўқув адабиётлари билан таъминлаш тўғрисида"ги Қарори асосида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, вилоят ҳокимлигининг 2001 йил 13 апрелдаги 80-сонли қарори қабул қилиниб, унга асосан хомий ташкилотлар томонидан мактаб кутубхоналари ва ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш масаласини ҳал этишга оид ишлар олиб борилганлиги эътиборга моликдир.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган 3 млн. сўм маблағ ҳисобига кам таъминланган оила болалари учун 9 номдан 5072 нусха дарсликлар олинди.

Шу билан биргаликда туман ва шаҳарлардаги хомий ташкилотлар томонидан ажратилган 6438 минг сўм ҳисобига сотиб олинган 67400 нусха дарслик ва ўқув қўлланмалари ўқувчиларга етказиб берилди ҳамда мактабларнинг кутубхона фондига кириб қилинди.

Ушбу ўқув йилидан бошлаб Осиё ривожланиш банки билан ҳамкорликда Гулистон туманида 2002-2005 йилларда вилоятдаги мактабларни капитал таъмирлаш, янги бинолар таъминлашнинг ижара усули синбаб қўрилмоқда. Бунда 39 номдаги 50941 нусхадаги дарсликлар кутубхона фондида берилган. Ота-оналар, ўқувчилар ва ўқитувчилар билан ўтказилган суҳбатлар жараёни...

да бу усулнинг афзаллиги, ота-оналарга иқтисодий жиҳатдан анча қулайлиқлар яратиб берилганлиги, энг асосийси, барча фанлардан ўқувчилар ва ўқитувчилар дарслик ва ўқув қўлланмалари билан тўлиқ таъминланиши ижобий баҳоланди.

Вилоятда 2001-2002 ўқув йилида 307 та умумтаълим мактаблари фаолият кўрсатмоқда. Бу мактабларнинг 227 таси замонавий ва 80 таси муслаҳатланган биноларда жойлашган. Муслаҳатланган биноларда жойлашган мактаблар...

лаштириш чоралари кўрилган. Вилоятдаги мактабларнинг 85 таси бир сменда, 222 таси икки сменда ишлайди. Мактабларнинг 190 тасида спорт заллари, 179 тасида мажлислар зали, 180 тасида компьютер синфлари мавжуд.

2001 йилда ҳар бир туман ва шаҳарларда биттадан мактабнинг моддий базасини янгидан мустаҳкамлаш учун 129,9 млн сўмлик парталар, ўқувчи-лар стол ва стуллари ҳамда синф доскалари сотиб олинган. Бундан ташқари, компьютер синфлари учун Халқ таълими вазирлигига 36 млн. сўм маблағ ўтказиб берилган.

Вилоят мактабларини ўқитувчилар билан таъминлаш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда вилоят мактабларида 11267 нафар ўқитувчилар меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг 8509 нафари олий, 290 нафари тўлиқсиз олий ва 2466 нафари ўрта махсус маълумотли ўқитувчилардир. Вилоят мактаблари ўқитувчилар билан 96,7 фоизга таъминланган бўлиб, яна 379 нафар ўқитувчига эҳтиёж мавжуд.

Вилоятда чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан таълим соҳасида ҳамкорликлар ўрнатилган. 1998 йилда Сайхунбод туманидан 1 ўқитувчи Германияда, Гулистон туманидан 1 ўқитувчи Францияда, 4 нафар ходим Малайзияда, Сирдарё...

лими вазирлигига 36 млн. сўм маблағ ўтказиб берилган. Вилоят мактабларини ўқитувчилар билан таъминлаш борасида ҳам маълум ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда вилоят мактабларида 11267 нафар ўқитувчилар меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг 8509 нафари олий, 290 нафари тўлиқсиз олий ва 2466 нафари ўрта махсус маълумотли ўқитувчилардир. Вилоят мактаблари ўқитувчилар билан 96,7 фоизга таъминланган бўлиб, яна 379 нафар ўқитувчига эҳтиёж мавжуд.

Вилоятда чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан таълим соҳасида ҳамкорликлар ўрнатилган. 1998 йилда Сайхунбод туманидан 1 ўқитувчи Германияда, Гулистон туманидан 1 ўқитувчи Францияда, 4 нафар ходим Малайзияда, Сирдарё...

ИҚТИДОР ҚАДР ТОПМОҚДА

Кизимиз Нодира Қурбонова, истиқлол фарзанди, мустақиллигимиз тенгдоши. Унинг мурғак қалбида она-Ватан, эл-юрт мадҳи, чинакам ҳаёт нашидаси жўш уришига, ундаги иқтидор дарахтининг қуртак ёзишига мустақиллигимиз сабаб бўлди, десам янглишмайман. Агар турли жамоат ташкилотлари, жағмарлар қўллаб-қувватламаганда, ҳукуматимиз етарлича ғамхўрлик кўрсатмаганда, биз, ота-оналар зарур шароитларни яратиб бера олмаганимизда, бундай ноёб қобилиятлар бу қадар раванқ топмаган бўларди.

Нодира кизимиз бугун Сирдарё шаҳридаги 41-мактабнинг 7-синфида "аъло" баҳоларга ўқимокда. Дарсларини ўз вақтида тайёрлайди. Эндигина 10 ёшга тўлганига қарамастан, кўгирчоқ ўйнамайди. Бунга унинг вақти ҳам йўқ. Кунига 1-2 соат вақтининг компьютер билан ишлашга сарфлайди. Бугунги кунда унинг репертуарида 35 та кўшиқ, ўнлаб рақслар бор. У 20 дан ортқ шеврлар ва 6 та хикоя муаллифи. Ўзбек, инглиз, форс, турк, рус, қозоқ тилини яхши ўзлаштириб олди.

Франциянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида вилоят хорижий тиллар ўқитувчилари учун ҳар йили мунтазам равишда ўқув семинарлари ташкил этиб келинмоқда. Бундан ташқари Тошкентдаги Гёте институти билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Халқро Қўшма Штатлари билан ҳам бир неча йиллар давомида ҳамкорлик қилиб келинмоқда. Қўшма Штатлари томонидан тақдим этилган "Инсон ва жамият" курси қўлланмаси асосида ўқувчилар ўрта-сарида олимпиада ўтказилиши йўлга қўйилган. Бир сўз билан айтганда, вилоятда таълим сифатини ошириш, ёш аврودни қомил инсонлар қилиб тарбиялаш мақсадида таътил ходимлари ахиллик билан фаолият кўрсатмоқдалар.

Маҳбуба ҚУРБОНОВА, Нодиранинг онаси

ТОМУҚЛАРАМИЗ ДАВЛАТ ҚУНАДИ

машғулотлар, машқлар ва ўйинларга асосланган очиқ машғулотлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Шунингдек, янги дастурга асосланб "Стереотипик шакллар, амалий машқлар, сенсор материаллар, гигиеник кўникмаларни тарбиялаш. "Эллипсда суҳбат" каби қўзқарқил материаллар "М.Монтессори" методи бўйича ишлаб чиқилди.

Янги дастур чиндан ҳам ўта оддий тузилганлиги биз учун жуда қўл келди. Дастурда болаларнинг жисмоний, ақлий, ҳар томонлама баркамол, етук бўлиб ривожланишлари учун билим ва кўникмалар берилган. Илҳомдорлик ва кўникмаларни тарбиялашнинг муҳим эканлигини ҳисобга олган ҳолда ота-оналар билан баҳамжihatмиз, уларнинг фикр ва мулоҳазаларини инобатга оламиз. Шу мақсадда кўп марта ота-оналар билан савол-жавоб ўтказилди ва умумий натижалари яқиний педагогик кенгашда кўриб чиқилди.

Шу ўринда айрим фикр ва мулоҳазаларни бидиришни ўринли деб биламиз. Чамаси дастур мазмунига ота-оналар билан ҳамкорлик ва табиатни қузатиш юзасидан ҳам таъбирлар ишлари киритилиши зарур. Таъбирлар синов ишларини ўтказишда руҳшўносларнинг катта ва тайёрлов гуруҳларидаги болалар нўтқ ва тафаккурни ривожлантириш борасида маслаҳатларини олиш лозим.

Биз йил давомида болалар билан умминсоний қадриятлар, миллий урф-одат ва маданият масалалари юзасидан тарбиявий ишлар олиб борган ҳолда, шундай фикрга келдикки, бу масалалар дастур мазмунига қўра болалар ёшга мос қилиб танланган. Дастур асосида болаларнинг кизкишлари, имконият ва қобилиятларини шакллантириш, ижодий талабларини ўстириш каби мақсад ва вазифалар, болалар қалбига Ватан туйғусини синдириш, уларда халқ, миллат, юрт ҳақида тасаввур уй-

С.МИРЖАЛИЛОВА, Гулистон шаҳридаги "Қувонч" боғча-мактаб мажмуи директори, I даражали "Соғлом авлод учун" ордени нишондори

Кўш саҳифа материалларини Иқро БУРИБОЕВ тайёрлади.

Б.АБДУЛЛАЕВ



ТИЛ БИЛДИНИГ — ТИМЛО ТОПДИНИГ

Вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли хорижий тиллар лицейи 1993 йилда ташкил этилган. Хозирги вақтда ушбу масканда 270 нафарга яқин ўқувчи билим олмақда. 40 нафарга яқин юқори маънавият ижодкор ўқитувчилар фаолият кўрсатиб келмоқда. Лицей хорижий тилларга ихтисослаштирилган бўлиб, инглиз тили чуқур ўргатилади. Иккинчи тил, немис ёки француз тили, ўқувчи ихтиёри билан танланади.

Лицейга ўқувчилар вилоятнинг барча туманларидан тест синовлари асосида қабул қилинади. Қабул қилинган ўқувчиларнинг ота-оналари билан шартнома тузилади. Шартномага асосан ўқувчилар "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўқишлари шарт.

Лицейнинг Г.Маманбаева, Д.Шарипова, О.Минжигитов, Р.Жамуратова сингари фаол ўқитувчилари ўқувчиларга чуқур билим бериш билан бир қаторда, ўз таърибларини ёш ўқитувчилар билан ўртоқлашиб ҳам келмоқдалар.

Сирдарё туманида айни пайтда 43 та мактаб, 1 та йўналиштирилган мактаб, 29 та мактабга таълим муассасаси, 8 та мактабдан ташқари таълим муассасаси фаолият кўрсатмоқда. Мактабларда 24330 нафар ўқувчи, мактабга таълим муассасасида 2510 нафар болалар, мактабдан ташқари таълим муассасаларида 6815 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмақдалар.

Хозирги давр биз — педагоглар зиммасига янада кўпроқ масъулиятли вазифалар юклатилмоқда. Тумандаги бир қатор мактабга таълим муассасаларида янги, илғор педагогик технологиялардан "Мария Монтессори" усули асосида, 9-болалар боғчасида "ТРИЗ" усули асосида, 11-болалар боғчасида "Исро-

ил усули" асосида муҳассам машғулотлар ўтиши йўли билан болаларга таълим-тарбия беришмоқда. Тумандаги 11, 14-болалар боғчаларида боғча-мактаб мажмуи фаолият кўрсатмоқда. Буларда ташкил этилган бошланғич синфларда "Инглиз тили" ва "Компьютер сабоҳхонлиги" ўргатилади.

Бир қатор мактабга таълим муассасаларида моддий базаларини мустаҳкамлаш мақсадида ижарага ер олини, тушиган маблағ эвазига аҳволини ўнлаш одат тусига кирган. Худди шундай барча таълим муассасаларида сармоядан ташқари маблағ топиши ва маркетинг хизматини ташкил этиши ва оммалаштириши бизнинг асосий вазифамиздир.

Мактаблар маъмурияти хомийлар ва сармоядан ташқари маблағ топиши ҳисобидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини дарсликлар билан таъминлаш масаласи билан ҳам шуғулланмоқдалар.

Туманимизда мактаб ўқувчиларининг дарсдан бўш вақтларини тўғри ташкил этиши ва уларни қизиқтиришга қўра тўғра рақарлар жалб этиши ҳамда

ДАВР ФИДОЙИЛИКНИ ТАЛАБ ЭТАДИ

уларга қўшимча билим бериш масалаларига ҳам қатнаш эътибор беришмоқда. Тумандаги 8 та мактабдан ташқари таълим муассасаларида ташкил этилган 455 та тўғрақанда 6815 нафар ўқувчи қатнашмоқда. Ушбу йўналишда ўқувчиларимиз туман, вилоят, республика миқёсидаги танловларда қатнашиб, юқори натижаларга эришмоқдалар. Шунинг билан айтиши мумкинки, "Ижодкор ўқувчилар" вилоят танловида туманимиз вақимлари 9 марта голиблик шоҳсупасига қўқаридилар. Бу голиб ўқувчилар республика танловида йўлланма олдилар.

Мактаб ўқувчиларини касба йўналиштириши масалалари ҳам шу куннинг долзарб масалаларидан биридир. Мактабларда ва болалар боғчаларида амалиётчи руҳшўнослар фаолият кўрсатмоқда. Эндикда ташкил хоналари, саломаатлик бурчаклари, касб танлаш хоналари ўқувчилар учун хизмат қилмоқда. Уларнинг саломаатлигини назорат қилиб бориши мақсадида тумандаги 23 та мактабда тиббиёт ҳамширалари ишламоқда. Туман

ташхис маркази томонидан 24330 нафар ўқувчи тиббий кўриқдан ўтказилди.

Туман мактаб ўқувчиларини касб танлаш ва касба йўналиштириши ишлари билан мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш қўбинатлари ҳам шуғулланмоқда.

Шу маъруза башиланган вилоят амалий семинари тумандаги 1-мактаблараро ўқув ишлаб чиқариш қўбинатларида бўлиб ўтди. Бир сўз билан айтганда, бугун халқ таълими муассасаларида таълим-тарбия жараёнида амалга оширилмиш лозим бўлган маънавий-маърифий ишлар қўламини кенгайтиб, мазмунли сифат жиҳатидан янгиланмоқда. Бу ишларнинг ижобий натижасини таъминлаш педагоглардан ижодий изланишни, ишга янгича ёндашишни, фидойиликни, масъулиятни ҳамда ўз касбининг ҳақиқий устаси, жонкуяри бўлиши талаб этади.



Салоҳиддин ЭЛМУРОДОВ, Сирдарё тумани ХТБ мудири



тенти, ўқитувчиси, доценти ва факультет декани бўлиб ишлади. У киши Ўзбекистонда биринчи бўлиб биология ўқитиш методикаси кафедрасини ташкил этди ва уни 27 йил давомида узлуксиз бошқарди.

Ta'lim fidoyilari

мий-методик ишлар бир гуруҳ таниқли биолог олимлар билан ҳамкорликда ўрта умумий таълим мактабларининг 10—11-синфлари учун 1995-96-99 йиллари нашр қилинган "Умумий биология" дарслигида ўз ифодасини топган.

ОЛИМ ИЗЛАНИШДАН ТЎХТАМАЙДИ

Биология — табиий фанлар ичида энг зарурий ва мураккаб соҳа бўлиб, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни ўрганади, тадқиқ этади. Қадим-қадимдан шундай. Азалдан деган фикримиз бугунга ҳам тегишли. Чунки зиёлилар орасида биология фани ривожига ўзининг камтарона улушини кўшиб келаётган кишилар борки, улар ҳақида кўпчилик билди ва эшитган.

кент шахри, Тошкент, Жиззах ҳамда Қашқадарё вилоятларининг бир қанча мактабларида бўлган олим биология ўқитишнинг долзарб муаммолари устида педагогик экспериментлар ўтказди. Олинган натижаларга асосланиб, 3 та монография, 15 дан ортиқ ўқув-методик қўлланмалар, ўрта ва олий мактаблар учун ўқув дастурлари ҳамда дарсликлар чоп эттирди. Улар орасида "Умумий биология ўқитишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш", "Умумий биология тушунчаларини шакллантириш", "Биологиядан синфдан ташқари машғулотлар", "Генетикадан масалалар ва машқалар" ва бошқа қатор ўқув-методик қўлланмалар ҳам бор.

олим, балки генетик ҳамдир. Унинг илмий-тадқиқотлари генетика фанининг айрим муаммоларига тегишли бўлиб, номзодлик ва докторлик диссертацияларида ўз аксини топган. Олим изланишдан тўхтаб қолиши керак эмас. Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Марказий институтининг табиий фанлар кафедрасида профессор лавозимида меҳнат қилаётган Акбар Фафуров ҳам ана шу фикрни қўллаб-қувватловчилардан. Зеро, ўз умрини илм-маърифатга фидо қилган киши бошқача ҳаёт тарзига кўника олмайди ҳам.

А.АГЗАМОВ, Авлоний номидаги ХТХҚТМОМИ табиий фанлар кафедраси мудири

ҲАР ИШИДА ФАОЛ

"Устоз — отангдек улуғ" мақолини минг бор тилга оламиз. Шундай номга мушарраф бўлган М.Қодировнинг педагогик, илмий-амалий фаолияти ибратлидир. Фаргона вилоятининг Бувайда туманидаги Деҳқонobod қишлоғида болалиги ўтган олимни эндиликда — тилшунослар, талабаю аспирантлар эҳтиром билан тилга олмоқдалар.

ни янгилаш устида бош қотираяпти. Фаннинг давлат таълим стандартини ва янгиланган дастурини яратишда қатнашди. 5-6-7-синф "Она тили" дарслиklarининг муаллифларидан бири ҳам Муҳаммаджон Қодировдир.

Орамиздаги одамлар турлича. Улар бир-биридан фарқланади. Шу боис уларга муносабатлар ҳам турличадир. Аммо Муҳаммаджон Қодиров барчага бирдек ёқадиган устоз. Шундай ҳислат у кишининг шогирдларида ҳам мужассам бўлишини истаб қолардик.

В.КАРИМЖОНОВА, М.АБДУРАИМОВА

КЕКСАЛАРНИ ДАВРАГА ТОРТИНГ!

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими аълочиси, табаррук инсон Абдукабир ака Нурбобоевнинг таржimai ҳоли, иш фаолияти жуда оддий — бир соҳада 40 йил ишлаганлар. Сирасини айтганда, А.Нурбобоев 1942 йил 1 январда Тошкент вилоятининг Окқўрган туманига қарашли С.Сегизбоев жамоа хўжалигида ишчи оиласида дунёга келган. Оиладаги уч нафар фарзанд ота-онанинг тарбиясини олиш билан бирга билимга чанқоқликлари билан қишлоқдошлари орасида ажралиб турардилар. Нурбобо ва Фотима аялар фарзандларидаги қобилиятни кўриб, "Биз-ку ўқимадик, фарзандларимиз ўқишлари керак" дейишди. Ота-онанинг орзуси амалга ошди. Тўнғич фарзанд Турсуной тарбиячи, Абдукабир ва Абдумажидлар ўқитувчилик касбини танлашди. Мактабни тугатган Абдукабир аввал хўжаликда ишчи, сўнгра механизатор бўлиб ишлади. 1962 йилда Низомий номи педагогика институтининг табиат-география факультети кимё-биология бўлимига

унутмаслигимиз, уларнинг оирини енгил, ҳаётини фаровон қилишга интилишимиз лозим. Бу азиз инсонлар биз барпо этаётган янги жамиятни қуришда ўзларининг бой ҳаётий тажрибаси, ибрати ва ўғитлари билан катта ҳисса қўшаётганини, айниқса, қадрлашимиз даркор" дея айтган фикрлари ҳамма-ҳамманинг кўнглидаги гап бўлди. Дарҳақиқат, бундай гаплардан таъсирланган устоз ҳозир туман "Одобнома" фани ўқитувчиларига мўлжалланган "Қариси бор уйнинг париси бор", "Кекса педагогларни даврага тортинг", "Кичикка иззат, каттага ҳурмат" мавзуларида изланишлар олиб бораёпти. Кейинчалик улар методик тавсиялар шаклида мактабларга етказилади. Зеро, кексаларни ҳурмат қилиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибаларидан фойдаланиш ўзбек халқининг қон-қонига сингиб кетган қадриятларидан саналади. Албатта, бу устоз изланишларининг бир қиррасидир. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, устоз фаолияти да-

2002 yil — Qariyalarni qadrlash yili

ўқишга кирди. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугатган, институт йўлланмаси билан тоғлар орасида жойлашган Ангрэн шаҳрига ишга келди. 5-ўрта мактабда ўқитувчи, сўнгра илмий-бўлим мудири лавозимида ишлади. 1969 йил 1 сентябрдан бошлаб то шу кунга қадар Ангрэн шаҳар халқ таълими бўлимида услубётчи, назоратчи, ҳозирги кунда эса кимё-биология, география фанлари услубётчиси вазифасида ишлаб келмоқда. Абдукабир ака устозлари Орифхон Эшончаев, Дадажон Одирамтовларни меҳр билан тилга олади. Бу устозларнинг ўзидан кичикларга кўрсатган иззатини, эътиборини мамнуният билан эслайди. Чунончи, уларнинг қарияларни эъозлаш, ҳурмат қилиш борасидаги ўғитлари айни кунда ҳам эътиборга моликлигини қайд этади.

вомида ўқитувчи-ўқувчи муносабатларининг энг нозик жиҳатларини ҳам кашф эта олган инсондир. Ўқувчиларидаги қобилиятни тез англаб етиб, уларга йўл-йўриқ кўрсата билган устознинг шогирдлари қатор давлат идораларида фаолият юритмоқдалар. Шогирдлар ўз устозларидан меҳр-оқибат, меҳрибонлик, ширинсўзлик, одам-оҳунлик каби ҳислатларини мерос қилиб олганликларини ҳамиша фахр билан айтишади. Абдукабир ака ўз умр йўлдоши Майрам опа билан беш нафар фарзандни воёга етказдилар. Улардан Азиза, Хулқар, Равшанлар ота касбини эгаллашган — ўқитувчилардир. Қизи Феруза ҳамшира, кичик ўғли Дилшод ТВДПИ талабаси. 10 дан ортиқ набираларнинг меҳрибон бобоси Абдукабир ака Нурбобоев жамоат ишларида фаол, ёш авлод тарбиясида барчага ўрнақдир. Бир соҳада 40 йил ишлаётган Абдукабир ака Нурбобоев ВПҚТМОИ ижтимоий табиий фанлар кафедрасининг фаол жамоатчиси, шаҳар, вилоят, вазирликнинг бир неча фахрий ёрликлари соҳибиди. О.ҲАЙДАРОВА, Тошкент вилояти ПХҚТМОИ табиий фанлар кафедраси мудири, С.СОДИҚОВА, шу кафедра ўқитувчиси

Изланувчан олим Саттор Махматқулов номи Термиз Давлат университети жамоатчилигига яхши таниш. Чунки Саттор ака 35 йиллик илмий-педагогик фаолиятида кўплаб ёшларни ўқитувчилик касбига ургатиб, уларга тилшуносликнинг долзарб муаммоларидан сабоқ бериб келмоқда. Саттор Махматқуловнинг талабалик йилларида Ш.Раҳматуллаев, А.Ғуломов, О.Шарофидинов каби адабиётшунос ва тилшунос олимлар ўқиган маърузалар муҳим урин тутди ҳамда

МУШОҲАДАСИ МАЗМУНЛИ МУАЛЛИМ

интилувчан талабанинг илмий мушоҳадасини кенгайтирди. Шу боис Саттор ака илмий салоҳиятини ошириш мақсадида аспирантурада таҳсил олиб, 1980 йилда "Ҳозирги ўзбек тилида феълнинг орттирилган даражаси" мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Тадқиқотчининг илмий ишида ҳозирги ўзбек тилида мавжуд бўлган турли семантик гуруҳдаги феълларда орттирилган даражанинг ясалиши билан содир буладиган

синтактик валентлик моделининг узғариш қонуниятлари, орттирма ясовчи морфемалар вариацияси ва синонимияси ҳамда уларнинг фонетик хусусиятлари урганилган. Олим илмий изланишини ривожлантира бориб узининг "Ўзбек тилида предикатив синтагманинг трансформацияси" номи монографиясини нашр этди. Монографияда предикатив синтагманинг булак вазифаси ҳамда ишлатилиши аниқ далиллар орқали баён

қилинган. Шунингдек, предикатив синтагманинг тулдирувчи, эга, кесим вазифаларида келиши бой далил, яъни ўзбек адаблари Ойбек, П.Қодиров асарларидан олинган мисоллар асосида кузатилган. Бундан ташқари монографиянинг тузилиши, мавзуларнинг яратилиш изчиллиги ва аниқлиги билан ҳозирги ўзбек адабий тилининг ривожига муҳим аҳамият касб этади.

Камтарин инсон, етук олим С.Махматқуловнинг илмий мақолалари Озарбайжон, Қозоғистон, Тожикистон ва Туркменистонда ҳам чоп этилиб, илмий жамоатчилик уртасида муҳокама этилган ва юқори баҳоланган. Ўзбек тилшунослигининг фидойиси Саттор Махматқуловнинг келгуси ижодий фаолиятига ҳам муваффақиятлар тилаймиз. Х.ХОЛИЁРОВ, профессор, Б.ҚОДИРОВ, доцент

ТИНЧЛИК БЎЛУР

Кўнгиларда навқиронлик нашъаси,
Бахт эшигин очиб кирди янги йил.
Осмонимиз моҳитобин шугласи,
Зафар қучиб хайрлашар эски йил.

Янги йилнинг пой қадами қутлугдир.
Ёвузлигу зулм буткул йўқ бўлмай.
Буюк элнинг нияти ҳам улугдир,
Нони бутун, бугдой-дони тўқ бўлмай.

Ҳалол меҳнат гаптин сурар халқимиз,
Бунёд этар келажакнинг боғларин.
Жаннат монанд Ўзбекистон бахтимиз,
Мен умримни Ватан билан боғладим.

Янги йилда тинчлик бўлсин оламда,
Яйраб-ўссин, камол топсин инсонлар.
Бахту иқбол йўлдош ҳар бир одамга
Истиқлолнинг тухфаси бу давронлар.

Рўзимат ДАМИНОВ

... ГА

Оппоқ қор ёғмоқда, оппоқ момик қор
Нафис капалакдек қўнмоқда ерга.
Ёдингдами эркам, ҳов ўшанда ҳам
Оппоқ қор ёғарди, биз эдик бирга.
Сену мен, дарахтлар, атрофимиз оқ,
Кўкракни тўлдириб олардик нафас.
Ҳали из тушмаган оппоқ йўлакдан
Оҳиста-оҳиста борардик бесас.
Висолнинг шавқидан
Бош эгиб дарахтлар кузатарди жим.
Сен БИР СЎЗ демадинг,
менинг ҳам шу кун
Бир СЎЗни айтишга сиғмади ҳаддим.
Бугун мен узоқда, сенсиз фироқда,
Ўйлар оғушида ўлтирибман, ёр.
Висол онларини эслатиб боғда
Оппоқ қор ёғмоқда,
қор ёғмоқда, қор!

Кувват ОТАБОЕВ,
Иштихон туманидаги 48-мактаб
директор ўринбосари



БИР ЛАҲЗА

Бир лаҳзаки, табиатга чўқар сукунат,
Ўша лаҳза янги йилдан беради дарак,
Тирик жон борлиқдан топади қадр,
Яна кураш, яшашга интилар гурур.

Бахт ва висолга ошuftа кўзлар,
Қалбларни овутмоқ истар туйгулар,
Дилларни вафога ўрар янги рўз,
Ошиқлик шугласин сочади юлдуз.

Руҳим саодати "юр" деб чорлайди,
Ўтган умрим афсус ортда қолади,
Булбулнинг каъбаси бўлганидек гул,
Шу лаҳза очади боқийликка йўл.

Ўткир ПЎЛАТ

ОРЗУЛАРИМ

Мен истайман ёрқин истиқбол,
Ҳар хонада бор бўлсин иқбол.
Осойишта бўлсин кенг олам,
Ҳеч бўлмасин зулм ва ситам.

Тўкин бўлсин доим дастурхон,
Ош билан нон бўлсин фаровон,
Шодлик бўлсин дилда ҳамиша,
Одамларда бўлсин андиша.

Яшнаб келсин ҳар доим баҳор,
Табиатда бўлмасин ғубор.
Инсон зоти кўрмасин алам,
Обод бўлсин бу кўҳна олам.

Йўлдош ОДИЛОВ



АССАЛОМ

Ассалом оламга сарвар янги йил,
Чин қалбдан соғиндик биз сени жуда,
Эзгу тилақлардан қувнаб яйрар дил,
Самимий бир туйғу юрак мавжида...

Ҳислар тугёнига чулганган оқшом,
Шуурумизда зўр хайрат-ҳаяжон.
Янги йил базмига хаёлимиз ром,
Янги йил муборак, мунис онажон!

Ўрмон маликаси ям-яшил арча,
Янги йил кўркига бахш этар чирой.
Тароватли тундан шод хуррам барча,
Кўқдан кулиб қарар гул чехрала ой.

Азизим, янги йил — бошинг силайман,
Мақсадим: ташрифнинг бўлсин тиллодан.
Мен она — халқимга соғлиқ тилайман,
Оламни яратган азиз Оллоҳдан!

Шеромад ИСЛОМОВ,
Навбахор туманидаги 13-мактаб
ўқитувчиси



С.га

Меҳрибон чашмидан дунём чароғон,
Хонам ободлиги ўзи бегумон.
Яна бир янги йил эшик қоққан дам
Хаёлим учибдир яна сиз томон.

Сиз менинг фариштам, нурдай покиза —
Ҳиммату ғайратда етмадик сиза.
Шайдолиғ майин боз қуйинг лиммо-лим,
Фарҳоду Шириндан бу сабоқ биза.

Ҳар нечук орзумиз яхши билгайсиз,
Ошиқ эмас ёр деб, кўзга илгайсиз?
Нозиклик мулкига султон бўлгайсиз —
Ҳар бир лутфингизни шеър этганда биз.

Янги йил айёми эзгулик улаб
Замон ҳам эврилгай, бошимиз силаб,
Фақат гафлат соя солмасму энди —
Ҳақ йўлин талаби беназир талаб.

Нурли тилак учун дил уйин покланг,
Кўнгил торини авж пардага созланг.
Шу нурлик манзилга хаёлни чорланг —
Шу олий хилқатдан сиз толе кўзланг.

Меҳрибон чашмидан дунём чароғон,
Хонам ободлиги ўзинг бегумон.
Яна бир янги йил эшик қоққан кез
Хаёлим учди-ку яна сиз томон.

Дил Мурод ХЎЖАҚУЛОВ,
Қумқўрғон туманидаги
"Сайхон" қишлоқ хўжалик
касб-хунар коллежи ўқитувчиси



Оппоқ либос билан безаб борлиқни,
Таширф буюрмоқда янги йил яна.
Қутиб олмоқдамиз қувонч-ла уни
Қилсин деб эзгулик руҳи тантана.

Ҳар бир йил мазмуни асрларга тенг,
Озодлик байроғи барқарор элга.
Орзулар чашмаси уммон каби кенг
Қириб келаятган шу қутлуғ йилда.

Янги йил тонгининг нафаси каби,
Юртимиз осмони бўлсин мусаффо.
Иймонли инсонлар насли-насаби
Кўрмасин ҳаётга беҳудлик асло.

Муборакбод этиб янги йил билан
Азиз юртдошларга тилайман иқбол.
Қалбимда очилган гўзал гул билан
Қутловлар йўллайман бўлароқ хушҳол.

Соип МУҲАМЕДОВ,
меҳнат фахрийси



«ДАСТУР УЛ-МУЛУК» ЎЗБЕК ТИЛИДА



тобхонлар ва илм аҳлига тақдим этди. У ушбу асарнинг матнини Санкт-Петербург, Тошкент Шарқшунослик институти кутубхоналарида сақланаётган уч қулёзма асосида тузатиб, тулдириб, муқаддима ва факсимиле нусхаси билан чоп эттирди.

1990 йилда Душанбенинг "Алиб" нашриётида Убайд Законийнинг "Ҳикоёти латиф" номли ҳикоятлари билан бирга, Самандар Термизийнинг "Дастур ул-мулук" асари (нашрга тайёрловчи, қисқача муқаддима ва изоҳли лугатлар муаллифи С.Ҳалимов)нинг қисқартирилган матни босилди.

Аммо бу ишларнинг ҳаммаси "Дастур ул-мулук" ва унинг муаллифи ҳақида илк маълумотлардан иборат бўлиб, асарнинг мундари-томонлама тадқиқ этилмагана ҳар боис бу асар ҳақида муқаммал илмий ишлар қилиш ҳали олдинда турибди. Жаббор Эсонов томонидан биринчи бўлиб ўзбек тилига қилинган мазкур асарнинг эркин таржимаси қувонарли воқеадир. Бу таржиманинг бадиий қиммати юксак. Чунки таржима учун сарф этилган меҳнат тоғни тешиб сув чиқариш каби қийиндир. Шундай бўлса ҳам, Жаббор Эсонов ҳақиқатдан ҳам улкан ишни катта муваффақият билан амалга оширишга эришган.

Машҳур матншунос олим, академик Дмитрий Лихачевнинг фикрига биноан қадимий ва классик асарларни илмий тадқиқ қилишдан кура, унинг матнини тузатиш, танқидий нуқтаи назардан урганиш ва матнга илмий жиҳатдан баҳо бериш энг қийин ва айни вақтда ута муҳим иш ҳисобланади. Матншунослик (тестология) илми матн тарихи ва унинг саргузашти, сарнавишти билан иш юртади. Шу боис Жаббор Эсонов "Дастур ул-мулук" матни билан шугулланар экан, бу асар матнининг қисмати, тақдири, тарихи, ёзиш ва ёзувчи вариантлари (табодулоти), унинг аҳамияти, моҳияти, гоҳси, эстетик қийматини сарҳисоб қилади ва ушалардан кейин

мазкур асар ва унинг муаллифи ҳақида илмий хулосаларини баён этади. Таъкидлаганимиздек, Жаббор Эсоновдан олдин С.Ҳалимов ва М.Салоҳиддиновлар ҳам "Дастур ул-мулук" матни билан шугулландилар. Аммо С.Ҳалимовнинг иши соддалаштирилган матн бўлиб, ёш ўқувчиларга қаратилган тарбиявий мазмунга эга ва унинг илмий танқидий салоҳияти унча баланд эмас. М.Салоҳиддиновнинг тайёрлаган матни эса — жиддий, мураккаб иш. Бу матн нусхаларни қиёслаш ва уларга танқидий муносабатда бўлиш туфайли юзга келган. Шу боис унинг аҳамияти катта. Аммо бу матн, биринчи навбатда, рус китобхонларига ва ундан кейин мутахассислар эътиборига қаратилган манбадир. Жаббор Эсоновнинг матни эса асосан ўзбекнинг ўзбек тилига таржимасидан иборат бўлиб, асарнинг мундари-томонлама тадқиқ этилмагана ҳар боис бу асар ҳақида муқаммал илмий ишлар қилиш ҳали олдинда турибди. Жаббор Эсонов томонидан биринчи бўлиб ўзбек тилига қилинган мазкур асарнинг эркин таржимаси қувонарли воқеадир. Бу таржиманинг бадиий қиммати юксак. Чунки таржима учун сарф этилган меҳнат тоғни тешиб сув чиқариш каби қийиндир. Шундай бўлса ҳам, Жаббор Эсонов ҳақиқатдан ҳам улкан ишни катта муваффақият билан амалга оширишга эришган.

Шундан кейин, мазкур ишларнинг барчаси матншунос олим Жаббор Эсонов томонидан аниқ ва беҳато таржима орқали амалга оширилиб, таржима либосида бутун матншунослик қоидалари ва унинг ички хусусиятлари ҳам мутаржим томонидан сақланди.

"Дастур ул-мулук"нинг адабий аҳамияти бизнинг замонамизда ҳам каттадир. Нафақат мулук ва амалдорлар, балки ҳар бир китобхон бу асардан бир қулланма сифатида ибрат ва билим олади. Асар мактаб дарсликларига ҳам киритилса, фойдадан холи бўлмайди.

"Дастур ул-мулук"нинг 21-фасли XVII асрда Бухоро хонлигида юз берган тарихий воқеаларни ёритишга бағишланган. Бу фаслда антик тарихий воқеалар бир бадиий қисса, худди жангнома жанрида ёзилган муқаммал бадиий насрий

асардек тасвирланган. Жаббор Эсонов бу фаслни ҳам муваффақият билан таржима қилишга эришган.

Таржимон матнга доир катта муқаддима ёзган. Бу муқаддима илмий жиҳатдан кичик бир монографиядир. Унда Хожа Самандарнинг ҳаёт йули ва туғилган жойи ҳақида маълумот бериш билан бирга, "Дастур ул-мулук"нинг моҳияти очиб берилган. Хусусан, асарнинг илмий, сиёсий ва ахлоқий хусусиятлари таҳлилга тортилиб, олдин ёзилган куп китоблар, жумладан, Низомулмулкнинг "Сийёсатнома"си, Заҳирий ас-Самарқандийнинг "Синбоднома"си, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиги"и, "Темур тузуклари", Саъдийнинг "Гулистон" ва "Бустон" асарлари, Воиз Кошифийнинг "Муҳимий"и, Муҳимийнинг "Муқояса қилинган. Кейинчалик Ж.Эсонов томонидан ўзбек ва форс-тожик адабиёти тарихида сиёсатшуносликда учрамайдиган айрим манбалар ҳам таржима пайтида ишга жалб этилган. Бундан ташқари таржима матни изоҳлар билан ҳам безатилган. Бу иш ҳам узининг илмий хусусиятлари билан фарқ қилиб туради. Муаллиф изоҳлар орқали ўқувчига номаълум сузларга изоҳ бериб, лугат ва тавсиф китобларига ухшаган катта бир маълумотномага келтирган.

Умуман олганда, Жаббор Эсонов томонидан утирилган "Дастур ул-мулук"нинг ўзбекча таржимаси катта илмий тарихий ва бадиий аҳамиятга моликдир. Айниқса, асар хотимасига илова қилинган, Ж.Эсонов томонидан ёзилган "Сибирдан қочган Ҳожи" ва Самандар Термизийнинг қайғу қушиқлари билан муқояса қилиб ёзилган "Мушибат қушиги" бугунги миллий кадрларимиз моҳиятини чуқур аналга етишда муҳим аҳамият касб этади.

Аҳмад АБДУЛЛОЕВ,
Адиб Собир Термизий
муқофоти совриндори,
филология фанлари
доктори, профессор

Достоевский "Рус ёзувчиларининг ҳаммаси Гоголнинг "Шинель"идан чиққан", деган экан бир пайтлар. Мунаққид Озод Шарафиддинов "Шарқ юлдузи" журналининг 70 йиллиги ҳамда журнал муҳаррири Омон Мухторнинг 60 йиллиги муносабати билан 24 декабрь куни Миллий матбуот марказида бўлиб ўтган йиғинда "Ўзбек ёзувчиларининг ҳаммаси "Шарқ юлдузи" мактабидан чиққан", — деди.

Дарҳақиқат, бугунги ўзбек адабиёти вакиллари-нинг барчаси ушбу журнални ўзига устоз деб билади.

ҲАММА ЁЗУВЧИЛАРНИНГ УСТОЗИ

Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов бошқарган йиғинда сўзга чиққанлар, жумладан, Ҳамид Фулом, Одил Ёқубов, Тўлепберген Қайпбергенов, Ўткир Ҳошимов, Тошпўлат Аҳмад, Ҳабиб Саъдулла, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева, Хуршид Дўстмуҳаммад, Хосият Бобомуродова каби ёзувчи ва шоирларимизнинг барчаси ушбу фикрни тасдиқладилар.

Омон Мухтор — социалистик реализм методини чилпарчин қилган адабиётимизда ўзига хос изланишлар олиб бораётган, қалби ёш ёзувчи. 60 ёшида ҳам экспром, изланиш, ўз-ўзини, дунёни тадқиқ қилишдан эринмаётган адиб. Сўзга чиққанлар унинг энг яхши хислатларини санаб, изланишлардан чарчамаслиги, янада ғайрат билан, адабиётга садоқат, меҳр билан ижодий фаолиятда давом этвериши тилагини билдиришди.

Йиғин сўнгида ёзувчи "Шарқ юлдузи"ни, ўзини қутлаш учун келган барча зиёлиларга миннатдорчилик изҳор қилди.

МУХБИРИМИЗ

БАРЧА УЧУН ҚИЗИҚАРЛИ

Касаба уюшмасига кимлар ва неча ёшдан қабул қилинади? Касаба уюшма аъзоси қандай ҳуқуқларга эга? Касаба уюшмаси аъзосининг мажбуриятлари нималардан иборат? Шу ва шу каби саволларга жавоб топишни истасангиз, Ўзбекистон таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси марказий Кўмитасининг "Касаба уюшмаси ва ҳаёт" методик қўлланмаси билан танишиб чиқинг.

Қўлланманинг яқинда чоп этилган навбатдаги нашрида бир қатор қизиқарли материаллар эълон қилинган. Жумладан, "Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — олий қадрият" мақоласида Бош Қомусимизнинг миллатимизга хос бағрикенглик, инсонпарварлик, меҳр-оқибат, ота-оналар олдидаги бурч ва бошқа кўплаб қадриятларга таяниб яратилгани ҳақида сўз боради.

Қўлланмадан раёсат йиғилиши, касаба уюшмаси фаолиятидаги муҳим тадбирлар ҳақидаги ахборотлар ҳам ўрин олган. "Сўраган экансиз — жавоб берамиз" рукнидаги савол-жавоблар, юридик маслаҳатлар эса кўпчиликини қизиқтириши табиий. "Касаба уюшмаси иш тажрибасидан" рукнида Тошкент Давлат техника университети талабалар касаба уюшмаси кўмитаси томонидан амалга оширилаётган эзгу фаолият ҳақида хикоя қилинган.

Қўлланмани ўқиган ўқувчи Республика таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмасининг 16585 та бошланғич, 206 та туман ва шаҳар кўмиталари фаолият кўрсатаётгани ҳақидаги ахборотга эга бўлади.

Таълим ва фан ҳодимлари касаба уюшмаси Каттақўрғон шаҳар кўмитаси раиси Исматилла Умаров қаламига мансуб шеърлар касаба уюшма фаолларининг ҳам нозик қалб соҳиб-эканликларидан дарак беради. "Алтернатива", "Девальвация", "Инвестиция", "Интеграция", "Конвертация" каби бугунги тилимизга кириб келиб, кенг қўлланаётган сўзларининг асл маъносини биллай десангиз, "Касаба уюшмаси ва ҳаёт"ни ўқиб чиқинг.

Бир сўз билан айтганда, "Касаба уюшмаси ва ҳаёт" фақат соҳа ҳодимлари учун эмас, балки барча муштарийлар учун мўлжалланган, қизиқарли ва зарурдир.



3-Ф. Илёсова ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ АСОСЛАРИ



Ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш жамиятда яшаётган ҳар бир онгли шахснинг инсоний бурчидир. Азалдан ҳар бир ота-она ўз фарзандини ҳалоқат ва табиий офатлардан асраб-авайлаш учун бошқа юмушларини бир чеккага суриб қўйишган. Шунинг учун бўлса керак,

ЎЗИГА ХОС СОВФА

Барчамизга маълумки, биология фанидан Давлат таълим стандарти ҳамда ўқув дастури талаблари асосида ботаника, зоология, Одам ва унинг саломатлиги дарсликлари яратилиб амалиётда фойдаланилмоқда.

Назарий билимларни бугунги кун талаби асосида тўлиқ ўқувчилар онгига етказишда ва уларнинг ушбу фандан Давлат таълим стандартларининг бажарилиши самарадорлигини ошириш мақсадида ботаника ва зоологиядан кўргазмаларни қурол жадвали бунёд этилди.

Х.НИШОНОВ

оилада фарзанд дунёга келса ҳаётнинг дастлабки йилларидан бошлаб унга ҳаёт хавфсизлигининг илк сабоқларини бера бошлаймиз, электр асбоблари, газ, гурут, пичоқ каби хавфли нарзалар билан ўйнамаслигини қайта-қайта тушунтирамиз. Улардан эҳтиёт бўлиш йўллари-ни ўргатамиз.

Юқоридаги фикрлар оилада ҳар бир ота-она ўз фарзандига ўргатиши керак бўлган ҳодисалардир. Ҳаёт хавфсизлигини таъминлаш учун нафақат оилада, балки барча турдаги таълим муассасаларида ҳам тушунтириш ишларини олиб бориш керак. Шу каби муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, яқинда Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси "Молия" нашриёти томонидан

ҲАЁТ ХАВФСИЗЛИГИ ҲАММА УЧУН МУҲИМ

3.Илёсованинг ҳаётимиз учун муҳим бўлган "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" услубий қўлланмаси нашр этилди. Ушбу қўлланма Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган "Инсон хавфсизлиги асослари" ўқув дастури асосида тайёрланган бўлиб, умумий ўрта таълим муассасаларининг 5-9-синфларида машғулот ўтувчи ўқитувчилар учун мўлжалланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ушбу қўлланма ҳозирда ўрта мактаблар дастурларига киритилаётган "Ҳаёт хавфсизлиги асослари" курсини ўрганишга қўйилган дастлабки қадамдир.

Қўлланмадан ўрин олган мавзулар сизни республикамиз худудида юз бериши мумкин бўлган техноген, та-

биий, экологик фавқулодда вазиятлар ва бундай вазиятлар юз берганда аҳолининг ҳаракати, биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, соғлом турмуш тарзи асослари билан яқиндан таништиради.

Қўлланмадаги экологик мувозанатнинг бузилиши, соғлом ҳаёт тарзи асослари мавзуларида хозирги кунда рўй бераётган экологик муаммолар, турли хил юкумли касалликлар, гиёҳвандлик ва унинг олдини олиш ҳақида қисқача маълумотлар берилган.

Қўлланмада шунингдек, саҳна кўринишларидан намуналар ва тест саволлари ҳам ўрин олганки, бу эса ушбу фанни ўрганишда ўқувчиларга ёрдам беради.

Акмал ИСЛОМОВ

асосида 5-6-синфлар учун ботаникадан Ўқтам Пратов ва Саидоилим Орифхўжаев, 6-7-синфлар учун зоологиядан Очил Мавлоновлар муаллифлигидаги кўргазмаларни қурол жадваллари тўплами "Ибн Сино" ва "Маънавият" нашриётларида чоп этилди.

Кўргазмалар жадваллар силлиқ-қалин қоғозларда рангли расмлар билан жуда сифатли тайёрланган. Жадвални олган ҳар бир ўқитувчи роҳатланиб дарс бериш имкониятига эга бўлади.

МУХБИРИМИЗ

Мана, 2002 йил жаҳон халқларининг осойишта, файзли хонадонлари эшикларини оҳиста қоқмоқда. Одатда, янги йилни дунёнинг ҳар бурчида ҳар хил кутиб олишади. Масалан, Францияда XI асрнинг 80-йилларига қадар насханинг биринчи кунинда, Англия, Дания, Нидерландияда эса Исо Пайғамбар таваллуд тоған кунда байрам сифатида нишонланар эди. Кейинчалик улар биринчи январда нишонлашадиган бўлишди. Кунчиқар Япония мамлакатига мазкур байрам шафтолилар қийғос гуллаган вақтга тўғри келиб, одамлар миллий либосларда бир-бирига шафтоли гули новдалари тақдим этишади, ҳамда эзгу ниятларини изҳор қилишади. Бразилияда эса кечаси кишилар оқ либос кийишиб, сон-саноқсиз шамлар ёруғида бир-бирларига яхши тилаклар билдиришади. Уларнинг фикрича, шамлар қанча узоқ ёнса, йиғилганларнинг ҳам умри шунча узоқ бўлармиш.



**ОДАМЛАР,
ОДАТЛАР,
АНЪАНАЛАР**
Янги йилни ким қаерда, қандай нишонлайди?

Айниқса, Руминияда янги йилни кутиб олиш ўзгача. Бу кун фақат мумтоз қўшиқларни ижро этиб обдон чарчаган кишилар тўкин дастурхон атрофида бир-бирларини табриклашади. Ҳиндистонда ушбу сана қишқи ҳосилдорликдан сўнг — 13 апрелга тўғри келиб, унда ажойиб мушакбозлик бўлади. Шунингдек, тепаликларда варрак, қуроқлар учуришиб, ғолибларни мукофотлайдилар.

Лекин, бу борада дунёда непалликларга етадиган халқ бўлмаса керак. Улар Янги йилни нишонлашган кунини ўз орзу-умидларини расмларда ифодалашади, сўнг шўх мусиқаларга рақсга тушишади. Комбодж халқи эса 50 та тухумга шакар солиб пишириқ тайёрлашгач, бир-бирларини сийлайдилар. Шундай қилинса, гўё бахт хонадонларига кириб келар экан.

Мўғлистонда Янги йил байрами кечаси столга фақат гўштдан тайёрланган турли таомлар қўйилиб, Қорбобо кумуш дастакли қамчисини кўтариб Қорқиз ҳамроҳлигида кириб келди ва базмдагиларни табриклаб, эзгу-ниятларини баён этсагина, гўё у кирган хонадонларда бахт, иқбол ҳукмронлик қилар эмиш. Шунингдек, уни италияликлар ўзига хос тарзда нишонлашадими, бирор мамлакатда бундай одатлар йўқ. Бойси, улар ўзларига ёқмаган уй жиҳозларини, стол-стуллари, идиш-товоқларни айни янги йил кирган вақт деразалардан улоқтиришади.

Жаҳон бўйлаб янги йилни 31 декабрда нишонлаш ҳақидаги мuddатни 1700 йил Пётр I жорий этган бўлиб, уй олдига беэзатилган арча ёнида кутишни ва Қорбобо, Қорқизларнинг иштироки ва табригини одат тусига айлантирган эди. Кейинроқ Россия табиатининг қақшақатқич совуғини ҳисобга олиб, арчани уй ичига ясатадиган бўлишди.

Дунё халқларига 2002 йил бахт-саодат олиб келсин.
Турсунхўжа АЗЛАРХОНОВ

1. Бир ота-бободан тарқалган зурриёт. 2. Таваллудининг 100 йиллиги нишонланган АҚШлик дунёга машҳур мультипликатор. 3. Воқеа-ҳодисалар даврларига кўра қайд этилган манба. 4. Сўнгги олимпиада ўйинлари бўлиб ўтган қитъа. 5. Мақолдан: фарзанд азиз, одоби ундан... 6. Ойнаи жаҳоннинг билимдонлар ўйини номи. 7. Дунё халқларининг азалий истаги. 8. Халқаро кенглик муассасаси жойлашган Ўзбекистондаги маскан. 9. Инсон ҳаётининг гуллаган даври. 10. Дунёга таниқли ўзбек теннисчиси. 11. Цирк томошасига хос спорт тури. 12. Яқунланган йилда олимпия чемпиони бўлган боксчимиз. 13. Ҳамюрт инсон. 14. Кўркам, мароқли. 15. Кузатилган йилдан ишлаб чиқа-

рилаётган автомобил маркаси. 16. Муваффақият. 17. Таваллудининг 90 йиллиги нишонланган театр ва кино санъаткори. 18. Янги йилда нашр этила бошланганлигига 10 йил тўладиган нашр. 19. Ўзбек халқ рақс куйи. 20. Субҳидам. 21. Давлат рамзи. 22. Турли мавзулардаги мунозара. 23. Билим, маҳоратни текшириш, имтиҳон. 24. Фафур Фуломнинг қуйидаги тўртлик баён этилган шеъри: Ҳар лаҳза замонлар умридек узун, Асрлар тақдири лаҳзаларда ҳал, Умрдан ўтажак, ҳар лаҳза учун Қудратли қўл билан кўяйлик ҳайкал. 25. Ватанимиздаги энг катта арча безатиладиган шаҳар. 26.

Янги йил байрам томошалари ўтказилувчи маскан. 27. Эркин Воҳидов газалидан: Сенга бахтдан тахт тиларман, Толедан бошингга тож, Мулки хуснингга омонлик, Тожу тахтингга... 28. Ҳафта кун. 29. Қишки олимпиада ўйинлари ўтказиладиган қитъа. 30. Пахта етиштириш усталари вилояти. 31. Футбол бўйича 2001 йил чемпионати ғолиби. 32. Ўтган йилнинг энг моҳир тўпурари бўлган ўзбек футболчиси. 33. Оммавий европача рақс. 34. Вақт ўлчови бирлиги. 35. Урф-одатлар мажмуи. 36. Янги йил меҳмони.
МУАММОНОМА:
Авалло куйида таърифланиб, рақамларда ифодаланган сўзларни топиб очқични ҳал

этинг.
1. Ой туғилган кундан келгуси Ой туғилган кунгача бўлган вақт асос қилиб олинган йил ҳисоби — 17, 9, 6, 9, 3, 7, 2, 9.
2. Футбол бўйича 2001 йилнинг Европа бўйича энг моҳир ўйинчиси — 21, 7, 8, 16.
3. Ҳафта кун — 15, 16, 13, 9, 5, 10, 9.
4. Ўқув юрти — 4, 7, 12, 11, 2.
5. Мучал ҳисоби бўйича бошланаётган йил — 1, 14.
6. Эрта тонг даракчиси — 18, 20, 3, 1, 19.
Жавоблар асосида шакл рақамларидаги муаммоноmani ҳал этиб, табрик сўзларини билиб олинг.
Фозилжон ОРИПОВ тузди.

ГРЕЦИЯДАГИ МАЖЛОВДА

Яқинда Успенский номидаги республика ўрта махсус мактаб-интернатининг бир гуруҳ ўқувчилари Грециянинг Пераус шаҳрида бўлиб ўтган халқаро пианиночилар танловидан қайтишди. Ушбу тадбирда Франция, Россия, Бельгия, Болгария, Украина, Грузия, Литва ва Грециядан 100 дан зиёд пианино ижрочилари иштирок этди. Улар орасида 8-синф ўқувчиси Василя Умарова, 6-синфдан Малика Шариповалар 2-ўрин, 3-синф ўқувчиси Барчиной Кароматова ва 6-синф ўқувчиси Анор Матёкубовалар 4-ўринни эгаллаб, ўз санъатларини моҳирона кўрсатишди ва танлов совриндорлари бўлишди.

7 ёшдан 36 ёшгача бўлган юздан зиёд ижрочилар 8 тоифа бўйича ўз маҳоратларини синаган ушбу танловда эндигина 9 ёшни қаршилаган Барчиной Кароматова учун бу ғалаба катта аҳамиятга эга бўлиб, у фортепиано бўйича ўқитувчиси, доцент Эльмира Мирқосимовадан олган билимларини амалда кўрсатиб, устоз ишончига сазовор бўлди. Мусиқачилар оиласида ўсган Барчиной ёшликдан пианино чалишни машқ қилар, бу соҳада кизидаги истезодони сезган ота-онаси унинг қизиқишини орттириб борар эди. Мана, уч йилдирки, ёш пианиночи "аъло"

баҳолар билан ўқиб, ўртоқларига намуна бўлиб келмоқда. У Грецияда ўтган халқаро танловда И.С.Бахнинг икки овозли инвенцияси - соль-мажор, Черниннинг до-мажор, Шостаковичнинг "Испанча рақс"ини чалганда унинг мусиқа чалиш қобилиятига тан берган ҳакамлар ҳайъати аъзоларидан руминиялик Стелла Авесалон ва франциялик мусиқашунос Додо Цинцадзе 2002 йилнинг баҳор ва ёз ойларида ўзларига бўлиб ўтадиган халқаро танловга ёш ўзбекистонлик мусиқачини тақлиф этишди. Барчиной ўз Ватанига қайтар экан, жуда ёш бўлишига қарамасдан Ватанга нисбатан со-

финиш туйғусини дилдан ҳис қилди ва у менга "Греция жуда гўзал шаҳар экан, лекин Ўзбекистон ундан ортиқ гўзал. Мен келажакда яхши пианиночи бўлиб Ватаним байроғини ўзга юртларда хилпирашига эришишга ҳаракат қиламан", деди. Шуни қувонч билан таъкидлаш мумкинки, Барчиной фахрий ўрин олиб, совриндор бўлиш билан бирга ушбу тадбир ташкилотчиси, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазир Х.Жўраев номига юборилган миннатдорчилик хатини ҳам олиб келди. Биз Барчиной Кароматовга яхши ниятлари хамиша йўлдош бўлишини тилаб қоламиз.
Мухтасархон КАРИМОВА



Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан Ўзбекистондаги Хитой Халқ Республикаси элчихонаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Замонавий санъат маркази ҳамкорлигида "Хитойда мужассам дунё мероси" фотокурғазмаси Замонавий санъат марказида ўтказилмоқда.

Осиё қитъасининг шарқий қисмида жойлашган Хитойнинг қадимий маданияти ҳақида сўз кетганда, албатта, "Буёқ Хитой девори" кўз олдинда мужассамлашди ҳамда Пекиндаги осмон ибодатхонаси гавдаланади. Буёқ Хитой деворининг узунлиги 6700 км.дир. Пекинда-

ХИТОЙДА МУЖАССАМ ДУНЁ МЕРОСИ

ги ибодатхона 1420 йилда қурилган.

Шу ўринда Хитой ҳақида озроқ маълумот бериб ўтсак. Хитой дунёдаги энг қадимий, маданияти билан фахрланадиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Илк Ся сулоласи вужудга келганидан буён Хитой тарихини йилномаларда кузатиш мумкин. Бу қадим заминда тарих ниҳоятда кўркам ёдгорликлар - гузал саройлар силсила-

сини, кўҳна меъморчилик намуналарини, бебаҳо маданий бойликларини қолдириб, ҳаммани баҳраманд этмоқда.

Ўйлаб кўрилса, Хитой маданияти бутун инсоният мулкидир. Шунинг учун ҳам Хитой 1985 йилдан ЮНЕСКОнинг жаҳон маданий меросини сақлаш конвенциясига қўшилган. Мамлакатдаги 28 та ёдгорлик "Жаҳон маданий ва табиий мероси рўйхати"га киритилган бўлиб, бу кўрсаткич бўйича Хитой жаҳонда тўртинчи ўринда туради.

Кўрғазма 2002 йил 10 январгача давом этади. Марказга бир ташриф буюриб, Хитой ҳақидаги тасаввурингизни бойитиб кетсангиз, фойдадан холи бўлмайди.

Шерзод АХМАТОВ,
"Маърифат" мухбири

Куни кеча Республика Бадий академиясида "Табиат ва биз" деб номланган бадий кўрғазма очилди. Нега айнан ижодкорлар табиат мавзусига кўп мурожаат қилишади, нега айнан ушбу кўрғазма табиат билан боғлиқ равишда номланди. Чунки ҳеч нарса табиатдек мукамал яратилмаган ва инсонларни ҳам доимо ўз сирлари билан табиатдек ҳеч ким мафтун қила олмайди. Ана шу

ТАБИАТ ВА БИЗ

синоатлар замирида нима борлигини билишга қизиқиш, табиат гузалликларини мойбўёқларда акс эттириш расомларнинг энг сеvimли машғулоти десақ янглишмаймиз.

Ушбу кўрғазма "ЭКОСАН" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда ташкил этилганлиги боис, унда Орол фожеаси акс этган суратлар, табиатни асраш ва авайлаш гоёлари илгари сурилган асарлар ҳам томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Кўрғазмада юздан ошиқ ишлар қўйилган.

Ҳар бир йил якунида сарҳисоб қиламиз. Нималарга улгурдик, қандай ишлардан кўнглимиз тўлди, янги йилдан биз нималарни кутяпмиз. Янги ва эски йил ҳақидаги мулоҳазаларини "Шаҳзод" гуруҳи ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова биз билан ўртоқлашдилар.

1. Ўтаётган йил ҳаётингизда қандай из қолдирди?
2. Сизнингча қайси ишларга улгура олмадингиз?
3. Сиз учун ўтаётган йилдаги энг катта совға нима бўлди?
4. Янги йилдаги орзуларингиз.
5. Газета муштарийларига тилақларингиз.

"ШАҲЗОД" ГУРУҲИ:

1. 2001 йил гуруҳимиз ўзининг 10 йиллик тўйини нишонлади. Биз "Халқлар дўстлиги" саройида бир неча кун яккахон концерт дастурларимизни муваффақиятли ўтказдик.

2. Режадаги барча ишларимизга катта меҳнат ва шижоат орқали эришдик. Фақат Москвада бўлиб ўтадиган нуфузли бир фестивал ташкилотчиларидан таклиф тушган эди, турли сабабларга кўра қатнаша олмадик.

3. Биз учун бу йилнинг энг катта совғаси Исроилга қилган ижодий сафаримиз бўлди. Бизни у ерга таниқли продюссер Давид Исроиллов ва ёшларнинг сеvimли кўшиқчиси Алекс таклиф қилган эдилар. Улар билан бирга концерт дастурларини ўтказдик, ижодий ҳамкорлигимизни мустаҳкамладик. Исроил халқига ўзбек миллий эстрадаси ҳақида тушунча бера олдик.

4. Янги йилда кўпгина ишларни режалаштириб олганмиз. Ўзбек эстрадасини жаҳонга та-

КУМУШ РАЗЗОҚОВА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧНИ КУТМОҚДА

нитиш учун АКШ, Бельгия ва Исроилга ижодий сафарлар уюштирмоқчимиз. Янги-янги, муҳлисларимиз кўнглига яқин кўшиқлар яратмоқчимиз.

5. Янги йилда ҳар бир кишига соғлиқ, янги омадлар тилаймиз.

Кумуш РАЗЗОҚОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист:

1.Тўғриси, бизнинг энг катта қувончимиз — кўшиқ ёзиш студиямизни янги, замонавий техник жиҳозлар билан қайтадан жиҳозлаганимиз ва янги уйга кўчиб ўтганимиз бўлди.

2.Бу йил инглиз тилидаги кўшиқларим фонограммалари-

ни ёзишга улгуролмадим. Сабоби, менимча, ҳар бир кўшиқ умрбоқий бўлиши учун у юксак дид ва тоза сифат билан ёзилиши керак. Мен кўшиқларимни ёзаётган "Ума-Рекорд" студияси худди шундай талабларга жавоб берадиган студиялардан бири.

3.Юқорида айтиб ўтганимдек ўз студиямизни қайта жиҳозлаганимиздан мамнунмиз.

4. Кўпчилик хайрон бўлиши мумкин, лекин турмуш ўртоғим билан биргаликда Жанубий Корея ва Японияда ўтадиган жаҳон чемпионати ўйинларини катта қизиқиш билан кутяпмиз. Чунки мен ашаддий футбол ишқи-



бозиман. Балки, бу ўйинларни томоша қилиш учун Японияга борармиз, деган ниятлар ҳам йўқ эмас.

5. Бутун дунёда тинчлик бўлишини, фалокат ва мусибатлар бўлмаслигини, олам қувонч ва шодликка тўлишини истаймиз. Одамлар меҳр-оқибат ҳамма нарсадан устун эканлигини англаб етсинлар.

Мана, ҳаш-паш дегунча янги асрнинг биринчи йили ҳам якун топмоқда. Албатта, дунёда энг оммалашган байрам булмиш Янги йил байрами мамлакатимизда ҳам кенг нишонланади. Айниқса, худди шу байрам республикамиздаги минглаб мактабгача таълим, умумий урта таълим муассасалари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида билим олаётган болажонлар, уқувчи-талабаларга олам-олам қувонч бахш этади.

Ёш булишига қарамай, узларининг қизиқарли ва оригинал чиқишлари билан болалар кўнглидан жой олишга улгурган Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги қошидаги эстрада-цирк коллежи талабалари ҳам бу йилги байрам томошаларига тайёргарликни аллақачон бошлаб юборибдилар. Коллеж биносига кириб борганимизда дарслар тутаган, аммо бир томондан барабанлар ва ашула садолари, яна бир томондан қандайдир саҳна куришининг овози келиб турарди. Маълум бўлишича, коллежнинг 100 дан ортиқ талабаси янги — 2002 йилни кутиб олиш томошаларини болалар учун унутилмас тарзда ўтказишга ёрдам бериш мақсадида "ЖАР" спорт мажмуа-

ҚОРБОБО, ҚОРҚИЗ, КАСКАДЁР, ЖОНГЛЁР, КЎЗБОЙЛОҒИЧ, МАСХАРАБОЗ...—ҲАММАСИ ШУ ЕРДА

сида буладиган катта тантаналарда, қолаверса, сунгги йилларда анъана тусини олган "Президент арчаси" тadbирларида қатнашишга тайёрланаётган эканлар. Айтиш жоизки, коллежда таҳсил олаётган булажак санъаткорлар ҳар йили булиб ўтадиган шу сингари янги йил томошаларида фаол иштирок этадилар. Шу билан бирга, Навруз байрами, "Баркамол авлод", "Умид ниҳоллари", «Универсиада» каби оммавий тadbирларнинг бирортаси ҳам ушбу коллеж талабаларининг иштирокисиз утмайди. Коллеж талабалари "Ўзбекфильм" киностудияси томонидан суратга олинган бир қанча фильмларда ҳам ижро этиш қийин булган вазиятларда узларининг каскадёрлик маҳоратларини кўрсатганлар. Коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича биринчи уринбосари, таниқли санъатшунос олим Шавкат Ориповнинг айтишича, бундай тadbирларда иштирок этиш янги ис-



теъдолларни кашф қилиш ва коллежда ёшларга саҳна санъати сирларини ургатаётган устозларнинг меҳнатини кўрсатиш билан бирга, талабалар учун ҳақиқий амалиёт вазифасини ҳам утайди.

—Талабаларимиз Тошкент цирки, "Туркистон", "Халқлар дўстлиги" саройларида жуда кўплаб тантаналарда фаол қатнашиб келмоқдалар, — дейди Шавкат ака. — "Шод", "Бустон", "Аъло" сингари гуруҳларимиз ҳаваскорликдан профессионал даражага эришганлар. Уларнинг чиқишларини тайёрлашда асосий эътиборни замонавий санъат ютуқлари-

ни мужассамлаштирган ҳолда, халқимизнинг бой миллий этнографик, фольклор анъаналаридан ҳам тулақонли фойдаланишга қаратаймиз. Бу ишда бизга машҳур санъаткорлар С.Умаров, А.Ражабов, М.Шодиева, таниқли чавандозлар сулоласи вакили, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист К.Зарипова, Тошкентбевлар сулоласидан булмиш машҳур циркчилар, моҳир режиссёр М.Азимов каби устозлар катта ёрдам бермоқдалар.

Сиз расмда куриб турган "Юлдуз" гуруҳи эса 2002 йил июнь ойида Грецияда бўлиб ўтиши кутилаётган жа-

ҳон халқлари фестивалига таклиф этилганлар. Коллеждаги бу гуруҳлар, чолғувчилар, хонандалар, раққосаларнинг шундай муваффақиятга эришишида Маданият ишлари вазирлиги томонидан жуда катта сарф-харажатлар эвазига келтириб берилган овоз кучайтиргич, мусиқа ва бошқа техник асбоб-ускуналар ҳам муҳим аҳамиятга эга булганини таъкидлаш жоиз.

Дарвоқе, коллеж ҳақида қисқача маълумот бериб ўтсак: 1990 йилда студия сифатида ташкил топган Тошкент эстрада-цирк коллежи 1996 йил коллеж мақомини олган. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва "Таълим туғрисида"ги Қонуннинг жорий этилиши билан эса урта махус, касб-хунар таълим тизимига киритилди. Бугунги кунда коллежда ёш йигит-қизлар эстрада-кўшиқчилик, эстрада-чолғу, эстрада-рақс, бадийий-суз, цирк йуналишларида таҳсил олмақда. Умуман,

ушбу касб-хунар таълими муассасасининг қамрови шу қалар кенги, унда дорбозлар, актёрлар, чавандозлар, каскадёрлар, суҳандонлар, раққосалар, кўшиқчилар, жонглёрлар ва яна бир неча касб эгалари тайёрланади. Коллежда талабаларга мукамал таълим бериш учун шароитлар яратилган: заллар, манежлар, махсус саҳналар талабалар ихтиёрида.

Бироқ коллеждаги қайноқ ҳаёт, жушқин талабалар, фидоий устозларни куриб кайфият тоғдек қутарилган бир пайтда, хафсаламизни пир қилган нарса шу булдики, ушбу муассаса қачонлардир қурилган ва 7 йиллик мактаб вазифасини утаган эски бинода фаолият кўрсатар экан. Фикримизча, нафақат республикамизда, балки бутун Марказий Осиёда ягона булган ҳамда ўзбек халқидек байрамларни сеvuвчи миллатга беминнат хизмат қилиб келаётган эстрада-цирк коллежи ҳам бошқа урта махус, касб-хунар муассасалари қаторида жаҳон андозларига жавоб берадиган бинога, синф хоналарига эга булишга ҳақлидир.

Ботиржон ҒОҒУРОВ,
"Маърифат"
мухбири

**ЯНГИ ЙИЛДАН
ЯНГИ МУРАББИЙ**

Жаҳон чемпионати саралаш баҳслари тугаганига қарийб 2 ой бўлди. Шу билан баравар миллий терма жамоамизнинг ЖЧ саралаш ўйинларидаги муваффақиятсиз иштироки учун бош мураббий Юрий Сольков ҳам ўз лавозимидан четлатилган. Ҳафта бошида Ўзбекистон Футбол федерацияси ижрокўмининг йиғилишида айнан шу масала муҳокама қилинди. Бош мураббий лавозимига асосий даъвогарлар сифатида Биродар Абдураимов ва Юрий Саркисян номзодлари кўрсатиб келинган бўлса-да, Тошкентнинг "Трактор" жамоаси мураббийи Равшан Ҳайдаров бу лавозимга лойиқ деб топилди. Хуллас, янги йилда янги мураббий мухлисларнинг орзуларини амалга оширишига ишоним мумкин, лекин буни вақт кўрсатади.

**БУХОРОЛИКЛАР
ҒОЛИБ**

Урганчда қўл жанги бўйича ўтказилган бешинчи халқаро беллашувда бухоролик спортчилар ажойиб ғалабани қўлга киритишди. 80 ва 85 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар мусобақасида Озод Бешимов ва Сиддик Назаровлар чемпион бўлишди. 56, 60 ва 75 килограмм вазнда ўтказилган баҳсларда иккинчи ва учинчи ўринлар ҳам бухоролик спортчилар Жасур Ҳайдаров, Ўткир Эгамов ва Файзулла Насруллаевларга насиб этди. Бухоролик спортчилар жамоа ҳисобида кўп очко жамғариб мусобақа ғолиби бўлишди.

«Туркистон-пресс»

Одатда йил охирида ҳар бир нарсанинг сарҳисоби бўлиб ўтади. Айниқса спорт турларига келганда, бу яққол кўзга ташланади. Мухим саналар, энг зўр спортчилар, ёддан чиқмайдиган воқеалар зикр этилади. Шундай сарҳисоблардан бири куни кеча Миллий матбуот марказида ҳам бўлиб ўтди. Унда Халқаро Кураш ассоциациясининг бир йилда амалга оширган ишлари муҳокама қилинди.

— 2001 йил халқаро спорт ареналарида курашнинг ривожланиши учун туб бурилиш даври бўлди. Чунки унда курашнинг халқаро тараққиётидаги биринчи босқичи муваффақиятли амалга оширилди, яъни Халқаро Кураш ассоциациясининг (ХКА) қитъалар ва айрим



ишироқ этган курашчилар август ойида Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида бўлиб ўтган учинчи жаҳон чемпионатида иштирок этиш бахтига мушарраф бўлдилар. Илк бор Осиё (апрель, Тошкент) ва Африка (июль, Хартенбос, ЖАР) қитъа биринчиликлари муваффақиятли ўтказилди. Ноябрь ва декабрь ойларида ўтказилиши белгиланган Пан Америка ва Европа биринчиликлари дунё бўйлаб халқаро терроризмга қарши операциялар амалга ошаётганлиги сабабли, кейинги йилга кўчирилди. Британия Кураш ассоциацияси томонидан уюштирилган анъанавий халқаро "Ислом Каримов турнири" иккинчи бор ҳам қизгин кураш мусобақаларига бой бўлди. Май ойида эса Россиянинг Тверь шаҳрида ёшлар ўртасида Халқ-

**ХАЛҚАРО КУРАШ АССОЦИАЦИЯСИНING
САРҲИСОБЛАРИ**

давлатлар бўйича тармоқ тузилмаси ташкил этилди ва айни пайтда фаолият кўрсатмоқда, — дейди ХКА президенти Комил Юсупов.

Бу йил беш давлатлар Мали, Нигерия, Эрон, Шри-Ланка ва Жанубий Корея ХКАнинг расмий аъзолари бўлишди. Натижада бунинг аъзолари 40 тага етди. Дунёнинг 9 давлатлари Нидерландия, Польша, Туркия, Венгрия, Боливия, ЖАР, Эрон, Ҳиндистон, Ўзбекистон аъзоларини ўз таркибига киритган ХКАнинг раҳбар органи — ижроия кўмита фаол иш юрита бошлади.

Энди бу йил ўтказилган чемпионатларга тўхталиб ўтсак. 2001 йил ХКАнинг уч йиллик тарихи мобайнида энг кўп турнир ва биринчиликлар ўтказилди. Бунга аъзо бўлган давлатларнинг деярли барчасида миллий чемпионатлар бўлиб ўтди. Натижада улардаги ғолиблар ва фаол

аро жаҳон биринчилиги иккинчи бор ўтказилди. Ўзбекистонда бу йил Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун иккинчи халқаро турнир (сентябрь, Термиз ва октябрь, Нукус) бўлиб ўтди.

Ўтган йили ХКАнинг яна бир янги анъанасига пойдевор қўйилган эди, яъни ХКАнинг ижроия кўмитаси йил якунлари бўйича энг яхши воқеалар ва спортчиларни аниқлаш юзасидан махсус қарор қабул қилганди. Унга кўра, асосан, 12 номинация бўйича "Йилнинг энг яхши курашчиси", "Йилнинг энг яхши курашчи аёли", "Энг яхши турнир", "Йилнинг энг яхши ҳаками" ва бошқалар аниқланиши керак. Ушбу номинация бўйича бу йилги ғолиблар ҳам ХКА ижроия кўмитаси томонидан аниқланди. (Бунинг натижалари билан қуйидаги икки жадвалда танишишингиз мумкин).

Бундан ташқари ХКА ижроия кўмитаси томонидан келаси 2002 йили ўтказиладиган асосий мусобақалар ҳам белгилаб олинди.

Ўтказиш вақти	Номи	Ўтказиш жойи
22-24 февраль	Пан Америка биринчи чемпионати	Ла.Пас, Боливия
30-31 март	Халқаро турнир	Коломбо, Шри-Ланка
19-21 апрель	Европа II чемпионати	Истамбул, Туркия
3-5 май	Ёшлар ўртасида III жаҳон биринчилиги	Тверь, Россия
15-16 июнь	Халқаро турнир	Техрон, Эрон
26-29 июль	II Африка чемпионати	Элизабет порти, ЖАР
17-18 август	III Ислом Каримов халқаро турнири	Лондон, Буюк Британия
5-8 сентябрь	IV жаҳон чемпионати	Арманистон, Ереван
7-10 ноябрь	II Осиё чемпионати	Ҳиндистон, Дехл

Булардан ташқари Ўзбекистоннинг Тошкент, Андижон, Урганч шаҳарларида ҳам бир неча халқаро турнирлар ўтказиш режалаштирилган.

Миллий курашнинг ривожланишига ҳар бир ўзбекман деган киши масъулдир. Чунки бу юртимиз спортидир. Демак, ҳамма ўз ҳиссасини қўймоғи даркор.

**БАҲСЛАР ДАВОМ
ЭТМОҚДА**

Умумтаълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари" ўйинлари Андижон вилоятида ҳам қизгин давом этмоқда. Бўлиб ўтган 3-босқич беллашувларида энг кучли, чапдаст, моҳир ўқувчилар аниқланди. Уларнинг мамлакат миқёсидаги беллашувлари миллат шарафини муносиб ҳимоя қилишларига шакл-шубҳа йўқ.

Вилоят мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақаларда Андижон шаҳри ўқувчиларига тенг келадиган рақиб топилмади. Қўрғонтепа тумани 2-ўринни Избоскан тумани ёшлари 3-ўринни эгалладилар. Футбол бўйича мусобақаларда ҳам Андижон шаҳри ўқувчилари ғолибликни эгалладилар. Қорасув шаҳри жамоаси 2-ўринни, Пахтаобод тумани жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Енгил атлетика бўйича бўлиб ўтган мусобақа ҳам қизгин баҳслар билан ўтди. Андижон шаҳри мактаб ўқувчилари мусобақаларга яхши тайёргарлик кўрганликлари туфайли бу беллашувларда ҳам ғолибликни қўлга киритди. Хўжаобод тумани жамоаси 2-ўринни, Шаҳрихон шаҳри жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Қўл тўпи бўйича Қўрғонтепа тумани 1-ўринни, Шаҳрихон 2-ўринни Асака тумани 3-ўринни эгаллашди. Қўл тўпи бўйича қизлар ўртасида бўлиб ўтган баҳсда Олтинкўл тумани 1-ўринни, Балиқчилик қизлар 2-ўринни, Қўрғонтепа тумани 3-ўринни эгалладилар.

Сузиш бўйича мусобақаларда ҳам Андижон шаҳри спортчиларининг қўли банд келди.

"Умид ниҳоллари" мусобақалари мактаб ўқувчиларини чиниқтирувчи, баркамол қилиб тарбияловчи омилдир.

О.С. ДДИҚОВ

Йил курашчиси	Александр Катсураги (Бразилия) Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун сентябрь ойида Ўзбекистоннинг Термиз шаҳрида ўтказилган Халқаро турнирнинг 73 кг вазн тоифасидаги ғолиби	Йилнинг энг яхши чемпионати	Тошкентда бўлиб ўтган I Осиё чемпионати (апрель)
Йилнинг энг яхши курашчи	Дорота Сикора (Польша) Будапештда ўтказилган III ЖЧнинг 63 кг вазн тоифасидаги ғолиби	Йилнинг энг зўр воқеаси	Сюзет Бизенхоут (ЖАР) Кураш тарихидаги биринчи аёл ҳакам
Йилнинг энг яхши усули	Абдулла Тангриев (Ўзбекистон) Термиз ва Нукусда ўтказилган Халқаро турнирлар ғолиби	Йилнинг энг яхши ҳаками	Реза Нассири (Эрон)
Йилнинг энг яхши беллашуви	Будапештда бўлиб ўтган III жаҳон чемпионатининг мутлоқ вазн тоифаси финал босқичидаги Марио Сабина (Бразилия) ва Баҳром Авазов (Ўзбекистон) беллашуви	Йилнинг энг яхши мураббийси	Рамеш Вардат (Ҳиндистон)
Йилнинг энг яхши турнири	Буюк Британиянинг Дартфорд шаҳрида ўтказилган II "Ислом Каримов" Халқаро турнири	Йилнинг энг яхши федерацияси	ЖАР федерацияси
		Йилнинг энг яхши конфедерацияси	Осиё Кураш конфедерацияси
		Курашни ривожлантиришга энг кўп ҳисса қўшган кишилар	Осиё - Жагдиш Татлер (Ҳиндистон) Африкада - Андре Френч (ЖАР) Европада - Иброҳим Озтек (Туркия) Пан Америкада - Эдгар Клауре (Боливия)

**АСИРЛАР КУБАГА
ОЛИБ КЕТИЛАДИ**

АҚШ мудофаа вазирлигининг тасдиқлашича, антитеррор компания вақтида ҳибсга олинган "Ал-Қоида" ташкилотининг бир неча етакчилари Кубага олиб кетиладилар. Ҳозирда эса асирлар Араб денгизида турган АҚШнинг "Pelélieu" авианосецида ҳамда Қандаҳор аэропортида сақланмоқдалар.

АҚШнинг Кубадаги ҳарбий-денгиз базаси 1903 йил барпо этилган бўлиб, ҳозирда ўта махфий ҳолатга келтирилган бўлса-да, у январь ойи ўрталарида хавфли жиноятчиларни кутиб олишга тайёр бўлади. Шунингдек, мазкур базага кириш фақат мудофаа вазирлигининг махсус руҳсати билан амалга оширилади.

**"ҲАМАС"
АЪЗОЛАРИ ҲИБСГА
ОЛИНДИ**

"Рейтер" агентлигининг хабар беришича, Исроил кўшинлари Хеврон шаҳрида "ҲАМАС" ҳаракатининг 8 нафар аъзосини ҳибсга олганлар. Ушбу операция террор акти содир этилишининг олдини олиш мақсадида амалга оширилди. Шунингдек, Ҳазо минтақасида исроилликлар фаластинликларга тегишли бир неча ҳудуднинг камал қилинишини бекор этганлар.

Аммо, расмий Тель-Авив ўзининг марҳум сайёҳлик вазирининг қотиллари ҳибсга олинмаса, мухторият раҳбари Ёсир Арофатга 6 январь куни Вифлемда бўлиб ўтадиган Рождество байрамида қатнашишга руҳсат берилмаслигини маълум қилган.

**ЎЗАРО ЖАЗО
ЖОРИЙ ЭТИЛДИ**

Ҳиндистон ҳукумати Покистонга қарши дипломатик жазо эълон қилди. Унга кўра, 1 январдан бошлаб Покистон йўловчи самолётлари учун Ҳиндистон хаво ҳудудидан фойдаланиш манъ этилади. Бунга жавобан расмий Исломобод ҳам ўз хаво ҳудудларини қўшниси учун ёпиб қўйди. Шунингдек, улар ҳар икки томон элчихоналаридаги ходимлар сонини тенг ярмига қисқартирдилар. Ўзаро поезд ва автобус қатновлари ҳам тўхтатилади.

Аҳамият берсак, низоининг кескинлашувиغا Ҳиндистон парламентида содир этилган террор хуружи сабаб бўлди. Боиси, фожеани амалга оширишда айбланаётган 2 қуролли гуруҳ Покистонда жойлашган бўлиб, расмий Исломобод уларга қарши ҳеч қандай ҳаракат қилгани йўқ.

**ВИДЕОТАСМА
ТЎЛИҚ НАМОЙИШ
ЭТИЛДИ**

Қатарнинг "Ал-Жазира" телеканали Усама бин Лоденнинг гаплари ёзилган 33 минутлик видеотасмани тўлиқ намоийш этди. Покистондан почта орқали юборилган ушбу видеотасмадаги мурожаат тахминан 2 ҳафта аввал ёзилган бўлиб, унда бин Лоден ҳарбий кийимда ва "Калашников" автоматини ушлаган ҳолда тасвирланган. Бундан англаш мумкинки, 1 рақамли террорчи Покистонда яширинган бўлиши ҳам эҳтимол.

Пентагон раҳбари Дональд Рамсфельд эса айни вақтда Лоденнинг манзили ҳақида янги маълумот йўқлигини айтган. Бир оз аввалроқ эса "Покистон обзервер" газетаси уни декабрь ойи ўрта-халқаро касаллик туфайли ўлганлиги ҳақида маълумот тарқатган эди.



Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, республика Таълим маркази раҳбарияти ва касаба уюшмаси кўмитаси жамоаси, республика Таълим марказининг фахрий ходими

Тўлаган РУСТАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Гуманитар таълим ва шахс камолоти бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Тўраев Пулат ТУРАЕВИЧнинг бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот институти маъмурияти ва касаба уюшмаси жамоаси институтининг собиқ катта илмий ходими

Наим МИРАЛИЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба уюшмаси жамоаси институти "Амалий механика" кафедраси доценти

Абдулбоқи УМАРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради ва таъзия изҳор қилади.

Р.Глиэр номидаги РУМММ интернати жамоаси шу мактабнинг умумий фортепиано бўлими ўқитувчиси

Машхура БУРХОНХУЖАЕВАнинг вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қилади.

Yanvar

D	7	14	21	28	
Se	①	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	31
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Fevral

D	4	11	18	25
Se	5	12	19	26
Ch	6	13	20	27
P	7	14	21	28
J	1	8	15	22
Sh	2	9	16	23
Ya	3	10	17	24

Mart

D	4	11	18	25	
Se	5	12	19	26	
Ch	6	13	20	27	
P	7	14	②	28	
J	1	⑧	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	3	10	17	24	31

Aprel

D	1	8	15	22	29
Se	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Ya	7	14	21	28	

May

D	6	13	20	27	
Se	7	14	21	28	
Ch	1	8	15	22	29
P	2	⑨	16	23	30
J	3	10	17	24	31
Sh	4	11	18	25	
Ya	5	12	19	26	

Iyun

D	3	10	17	24	
Se	4	11	18	25	
Ch	5	12	19	26	
P	6	13	20	27	
J	7	14	21	28	
Sh	1	8	15	22	29
Ya	2	9	16	23	30

Iyul

D	1	8	15	22	29
Se	2	9	16	23	30
Ch	3	10	17	24	31
P	4	11	18	25	
J	5	12	19	26	
Sh	6	13	20	27	
Ya	7	14	21	28	

Avgust

D	5	12	19	26	
Se	6	13	20	27	
Ch	7	14	21	28	
P	1	8	15	22	29
J	2	9	16	23	30
Sh	3	10	17	24	31
Ya	4	11	18	25	

Sentabr

D	2	9	16	23	30
Se	3	10	17	24	
Ch	4	11	18	25	
P	5	12	19	26	
J	6	13	20	27	
Sh	7	14	21	28	
Ya	1	8	15	22	29

Oktabr

D	7	14	21	28	
Se	①	8	15	22	29
Ch	2	9	16	23	30
P	3	10	17	24	31
J	4	11	18	25	
Sh	5	12	19	26	
Ya	6	13	20	27	

Noyabr

D	4	11	18	25	
Se	5	12	19	26	
Ch	6	13	20	27	
P	7	14	21	28	
J	1	8	15	22	29
Sh	2	9	16	23	30
Ya	3	10	17	24	

Dekabr

D	2	9	16	23	30
Se	3	10	17	24	31
Ch	4	11	18	25	
P	5	12	19	26	
J	6	13	20	27	
Sh	7	14	21	28	
Ya	1	⑧	15	22	29

Изоҳ: Хайитнинг биринчи куни дам олиш кунлари

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Кўмитаси.Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Тахрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БҮРИБОЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Усмонали МУСАЕВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТҮЙМАНОВА, Нурлан УСМОНОВ, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акционерлик компанияси босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

«Ma'rifat»дан материалларни кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газета материаллари «Ma'rifat-Madadkor» нашриётида терилди. Pentium компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Малоҳат ТОШОВА саҳифалади.Навбатчи муҳаррир: Хулқар ТҮЙМАНОВА,
Навбатчи: Шерзод АҲМАТОВ.Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-3117. Тиражи 14 527
Г. 1 2 3 4 5 6Ҳажми 4 босма табоқ.
Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.Босишга топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00